ХДР

1918-yil
21-iyundan chiqa
boshlagan

№4, 2023-yil
1-fevral, chorshanba
(32.750)

O‘zbekiston ovozi

Ijtimoiy-siyosiy gazeta

Barchaga g‘amxo‘rlik – davlatning burchi

ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ СОҲАСИДА ЯНГИ ТИЗИМ ЖОРИЙ ЭТИЛАДИ

КУНЛИК ТУШУМ РЕЖАСИНИ БЕЛГИЛАШ АМАЛИЁТИ БЕКОР ҚИЛИНАДИ. ТАШУВЧИЛАРГА МАБЛАҒЛАР АВТОБУСНИНГ ЮРГАН МАСОФАСИ ВА ОДАМЛАР ХИЗМАТ СИФАТИДАН ҚОНИҚИШИГА ҚАРАБ БЕРИЛАДИ.

Президент Шавкат Мирзиёев 31 январь куни Тошкент ва Нукус шаҳарлари ҳамда вилоят марказларида жамоат транспортининг янги тизимини жорий этиш бўйича йиғилиш ўтказди.

Жамоат транспорти аҳолининг узоғини яқин қилиб, харажати ва вақтини тежайдиган, ҳаёт сифатини кўрсатадиган муҳим ижтимоий хизмат. Юртимизда бу хизматдан кунига 10 миллиондан ортиқ йўловчи фойдаланади.

Давлатимиз раҳбарининг Мурожаатномасида йўловчи ташиш сифатини яхшилаш мақсадида 2023 йилда яна 2 мингта автобус олиб келиниши айтилган эди. Лекин, деди Президент йиғилишда, қанча кўп автобус олиб келинмасин, жойлардаги транспорт бошқармалари ва автобус паркларида ҳозирги иш тизими ўзгармаса, аҳоли эҳтиёжига яраша хизмат кўрсатиб бўлмайди.

Барча ҳудудларда аҳоли учун янги уй-жой, мактаб, боғча, шифохона ва бошқа муассасалар барпо этилаяпти. Лекин, транспорт соҳаси бу ўзгаришлардан орқада қолиб, бугунги ривожланиш талабларига мос келмаяпти.

Хусусан, айрим вилоят марказида жамоат транспортини ривожлантириш режаси ишлаб чиқилмаган. Транспорт корхоналари кунлик тушум режасини бажаришга боғланиб қолгани боис автобуслар куннинг “энг даромадли” пайтида ҳаракатланишга одатланиб қолган. Қолган вақтда йўловчилар узоқ кутиш ёки таксида юришга мажбур.

Шу боис йиғилишда соҳадаги иш тизимини ўзгартириб, хизмат сифатини яхшилаш бўйича таклифлар кўриб чиқилди.

Унга кўра, кунлик тушум режасини белгилаш амалиёти бекор қилинади. Ташувчиларга маблағлар автобуснинг юрган масофаси ва одамлар хизмат сифатидан қониқишига қараб берилади. Хизмат сифатига автобусдаги қулайликлар ва санитар ҳолат, кеч қолмасдан бекатга етиб келишига қараб баҳо берадиган тизим бўлади.

Бу тизим Тошкент, Самарқанд, Андижон ва Урганч шаҳарларида жорий йилда, бошқа вилоят марказлари ва Нукус шаҳрида келгуси йилда йўлга қўйилиши белгиланди.

Давлатимиз раҳбари жамоат транспорти аҳолига қулай, тадбиркорларга жозибадор бўлиши кераклигини таъкидлади.

Ҳозирги автобус йўналишларини сўнгги йиллардаги аҳоли эҳтиёжи асосида қайта кўриб чиқилиши керак. Президентимиз бу борада маҳаллий сўровлар ўтказиб, аҳолининг талаб ва истакларини билиш зарурлигини қайд этди.

Транспорт паркини изчил янгилаб бориш ҳам муҳим. Йиғилишда буни рағбатлантириш борасида таклифлар билдирилди.

Жумладан, жамоат транспорти йўналишлари бўйича очиқ тендерда автобусларнинг янгилик даражаси асосий мезон этиб белгиланади. Ташувчиларга тўланадиган маблағларни шакллантиришда ҳар йили автобусларнинг 20 фоизини янгилаб бориш харажатлари кўзда тутилади.

Бундан ташқари, тадбиркорлар олиб келган янги автобуслар бўйича қўшилган қиймат солиғини бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади. Автобуслар сотиб олиш учун 10 йилгача муддатга имтиёзли кредит берилади.

Йўлларда жамоат транспортининг тўсиқсиз ҳаракатланишини таъминлаш – долзарб масала.

Тошкент шаҳрида 73 та асосий кўчада автобуслар учун алоҳида йўлак ташкил этиб, чорраҳалар ўтказувчанлигини ошириш дастури ишлаб чиқилди. Бу орқали автобусларнинг ўртача тезлиги 1,5 баравар ошиб, кечикишлар бартараф этилади.

Вилоятлар ҳокимларига ўз ҳудудида пойтахтдагидек каби транспорт инфратузилмасини яхшилаш бўйича манзилли дастурни тасдиқлаб, амалга оширишни бошлаш топширилди. Бунда йўл ва чорраҳаларда жамоат транспортига устуворлик бериш, бекатларда аҳоли ва тадбиркорларга шароит яратиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

ЎзА.

ЭНГ ЯХШИ ШАХМАТ МАМЛАКАТИ

НИДЕРЛАНДИЯДАГИ ХАЛҚАРО ТУРНИР ЯКУНИДА НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ ВА ЖАВОҲИР СИНДОРОВ ЙИЛНИНГ ЭНГ ЯХШИ ШАХМАТ МАМЛАКАТИГА ТОПШИРИЛАДИГАН «TOUR D‘OR» - «ОЛТИН МИНОРА» СОВРИНИНИ ҚАБУЛ ҚИЛИБ ОЛИШДИ.

8

БЕТАРАФЛИК ДЕПУТАТГА МОСМИ?

2 САҲИФА

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ҚАДАМЛАР

3 САҲИФА

ЎСИШ 5, ИНФЛЯЦИЯ 9,5 ФОИЗГАЧА

5

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

БЕТАРАФЛИК ДЕПУТАТГА МОСМИ?

2023 ЙИЛ ДАВЛАТЧИЛИГИМИЗ ТАРИХИДА ҲАМ ЯНГИ САҲИФАЛАР ОЧИЛАДИ. ДАВЛАТ ВА ЖАМОАТ ТАШКИЛОТЛАРИ, ҲАР БИР ФУҚАРО, ҲАР БИР ШАХС БОШЛАНГАН ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРМОҚЧИ БЎЛГАН ИШЛАРИНИ ҚИСМАН БЎЛСА-ДА РЕЖАЛАШТИРИБ ОЛДИ.

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИ ЙИЛ РЕЖАЛАРИ БИЛАН БИРГА, ЎТГАН ЙИЛ УЧУН БЕЛГИЛАНГАН ИШЛАР ИЖРОСИ САРҲИСОБИНИ ҲАМ ҚИЛМОҚДА. КЕЧА БЎЛИБ ЎТГАН ЯЛПИ МАЖЛИСДА БИРИНЧИ БЎЛИБ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИНИ “ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУҒЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ”ДА АМАЛГА ОШИРИШГА ОИД ДАВЛАТ ДАСТУРИНИНГ 2022 ЙИЛ ЯКУНИ БЎЙИЧА БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҲИСОБОТИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ.

Қонунчилик палатасининг ялпи мажлисида таъкидланганидек, Ҳукумат томонидан Давлат дастури ўз вақтида, тўлиқ ва сифатли бажарилишини таъминлаш мақсадида тегишли чора-тадбирлар кўрилди. Натижада 2022 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 105,7 фоизни, шундан ЯИМ таркибида саноат – 105,2 фоизни, хизматлар – 108,5 фоизни, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги – 103,6 фоизни ташкил қилди. Давлат бюджетининг жами харажатлари 236,6 трлн. сўмни, шундан ижтимоий соҳага йўналтирилган харажатлар 177,7 трлн. сўмни ташкил қилди.

Давлат дастури ижроси доирасида мактабгача таълимдаги қамров даражасини ошириш бўйича зарур чоралар кўрилди. Масалан, 647 655 нафар 6 ёшли болалар мактабга тайёрлов тизими билан қамраб олиниб, қамров даражаси 67 фоиздан камида 90 фоизга етказилди. Шу билан бирга, 2048 та нодавлат мактабгача таълим ташкилоти фаолияти йўлга қўйилди.

Мактабларда таълим сифатини ошириш, педагог-кадрларнинг билими ва малакасини халқаро даражага олиб чиқиш мақсади бўйича ҳам қатор ишлар қилинди. Жумладан, педагогларни янги методикаларга ўргатиш миллий марказларида 100 минг нафар, махсус платформа орқали 44 979 минг нафар ўқитувчилар малакаси оширилди. Йил бошига нисбатан тоифага эга ўқитувчилар сони 220 110 нафардан 325 818 нафарга ёки 43,8 фоиздан 64,8 фоизга оширилиши таъминланди.

Парламентга тақдим этилган ҳисоботда қайд этилганидек, аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизмат сифатини ошириш, марказлаштириш ва аҳолини тиббий суғурталаш амалиётини жорий қилиш мақсадида муайян ишлар амалга оширилди.

Хусусан, 106 та оилавий шифокор пункти ва поликлиника, 1000 та маҳалла тиббиёт пункти ташкил этилди. Бу орқали 3,5 млн. аҳолига бирламчи тиббий хизмат яқинлаштирилди. Илғор хорижий тажрибалар асосида аҳолининг кафолатланган бепул тиббий хизматга бўлган эҳтиёж баланси ишлаб чиқилди. “Тиббиёт бригадалари”га қўшимча 3 600 та педиатрия ҳамшираси ва доя штатлари ажратилди. Оилавий шифокорлар томонидан бепул тарқатиладиган дорилар 45 турдан 70 турга етказилди.

Шу билан бирга, 820 та бирламчи тиббиёт муассасасига ташхис ускуналари етказиб берилди. Оилавий поликлиникаларда 19 мингдан зиёд кундузги шифо ўринлари ташкил этилди. Бунинг натижасида 740 минг аҳолига шифохонага бормасдан, маҳалланинг ўзида даволаниш имконияти яратилди.

ЎзХДП фракцияси аъзолари партия мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, таъкидлаганидек, Давлат дастуридаги “Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари” ва “Аёллар дафтари” аҳолининг ижтимоий ҳимоясида муҳим қадам бўлди. Бу орқали, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини аниқлаш, уларга тизимли ёрдам кўрсатиш, уларни камбағалликдан чиқариш борасида салмоқли ишлар амалга оширилмоқда. Шу боис, **фракция аъзолари жорий йилда мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш, ушбу тизимни янада такомиллаштириш, камбағал аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши керак,** деб ҳисоблайди.

ЎзХДП фракцияси аъзоси Дилбар Мамаджанова Давлат дастурининг 60-мақсадида назарда тутилган 46 та туманлараро перинатал марказлари ташкил этилиши билан боғлиқ камчилликлар ҳам борлигига ҳукумат аъзоларидан изоҳ сўради.

Мутасаддилар берган изоҳга эса Қонунчилик палатаси Спикери эътироз билдирди ва туманлараро перинатал марказлар ташкил этиш Давлат дастурида аниқ белгилаб қўйилганлигини айтди. Бу Президентимизнинг жуда катта ижтимоий сиёсати эканини ва мазкур масала бўйича алоҳида ахборот берилиши кераклигини таъкидлади.

Муҳокама ва савол-жавобларга бой бўлган мажлисда депутатлар Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини маъқуллади ҳамда Ҳукумат фаолиятининг самарадорлигини оширишга қаратилган таклифлар акс этган тегишли қарорни қабул қилдилар.

Мажлисида иккинчи бўлиб “Йўл ҳаракати тўғрисида”ги қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Таклиф этилаётган қонун лойиҳасида бир қатор янгиликлар кўзда тутилган. Хусусан, ҳужжатдаги асосий тушунчалар замон талаблари, ҳуқуқни қўллаш амалиётидан келиб чиқиб қайта кўриб чиқилди ва таҳрир қилинди.

Йўл ҳаракати соҳасидаги асосий принциплар соҳа амалиётидан келиб чиқиб белгиланди. Қонунийлик, тизимлилик, илмийлик, фуқаролар ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишининг устуворлиги, экологик хавфсизликнинг ва атроф-муҳит муҳофаза қилинишининг устуворлиги, маҳаллий аҳолининг ва йўл ҳаракати қатнашчиларининг фикрини ҳисобга олиш принциплари шулар жумласидандир.

Халқ вакилларнинг айтишича, ушбу қонун лойиҳаси ҳуқуқни қўллаш амалиётида пайдо бўлаётган тушунмовчиликларни бартараф этиш баробарида, йўл эгаларининг, йўл ҳаракати қатнашчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятларини қонун билан мустаҳкамлашга хизмат қилади, дея баҳоланди ва қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Ялпи мажлисдаги навбатдаги масала “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш ҳақида”ги қонун лойиҳасини иккинчи ўқишда кўриб чиқилди.

Таъкидланганидек, “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида”ги Қонунга мувофиқ, наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материаллар наркология муассасаларининг, наркологик касалликка чалинган шахс оила аъзоларининг ёки қариндошларининг илтимосномалари асосида ички ишлар органлари томонидан тайёрланади ва расмийлаштирилади.

Фуқаролар хавфсизлиги ва соғлиғига таҳдид солаётган ёхуд жамоат тартибини, бошқа шахсларнинг ҳуқуқларини бузиш, психофаол моддалар таъсиридан мастлик ҳолатида маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этиш ҳолатларининг барвақт олдини олишда ички ишлар органлари фаолиятининг самарадорлигини ошириш мақсадида қонун лойиҳаси билан наркологик касалликка чалинган шахсни мажбурий даволашга юбориш тўғрисидаги материалларни ички ишлар органларининг ташаббуси билан ҳам расмийлаштириш белгиланмоқда.

Қизғин баҳс-мунозаралардан сўнг қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қабул қилинди.

Мажлисда иккинчи ўқишда моддама-модда муҳокама қилинган ва энг кўп баҳс ва муҳокамаларга сабаб бўлган қонун лойиҳаси эса “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига тадбиркорларнинг банк ҳисобварақларидаги пул маблағлари дахлсизлигини таъминлашга қаратилган қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги лойиҳаси бўлди.

Таъкидланганидек, кейинги йиллар хусусий мулк, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ишончли ҳимоя қилишнинг янги механизмлари жорий этилиб, тадбиркорлик фаолиятига ноқонуний аралашиш ва тўсқинлик қилиш ҳолатларига қарши самарали ишлар олиб борилмоқда.

Лекин Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда давлат органларининг мансабдор шахсларига нисбатан ортиқча ундирилган ва тўланган пул маблағларини ўз вақтида қайтармаслик учун жавобгарлик белгиланмаган.

Шу жиҳатдан, қонун лойиҳаси билан тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақларидан пул маблағларини уларнинг розилигисиз кўчириш ёки олиб қўйиш ҳолатлари бўйича маъмурий ва жиноий жавобгарлик чораларини белгилаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Депутатлар томонидан айтиб ўтилганидек, мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши тадбиркорлик субъектларининг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишнинг ҳуқуқий чораларини кучайтиришга имкон яратади. Қолаверса, лойиҳанинг номи ва айрим моддалардаги терминларнинг ишлатилиши бўйича фикрлар алмашинди ва кўпчилик Қўмитанинг таклифини қўллаб қувватлади.

Мажлиси якунида “Ўзбекистон Республикасида коронавирус COVID-19 инфекциясига қарши шошилинч чораларни кўриш” лойиҳаси бўйича амалга оширилаётган ишлар натижадорлиги тўғрисида”ги масала юзасидан юборилган Қонунчилик палатасининг парламент сўровига Соғлиқни сақлаш вазири Амрилло Иноятовнинг жавоби кўриб чиқилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

Қонунчилик палатасининг фаолиятини, қонунлар қабул қилинишидаги депутатларнинг жон куйдириб муҳокама қилишларини кўриб хурсанд бўламан. Лекин баъзи депутатларнинг бепарво ўтириши ҳар қандай одамни ранжитади. Баҳслар, муҳокамалар, фикр алмашишлардан сўнг Спикер депутатлардан қонун лойиҳасига ёки унинг моддасига муносабат билдиришни сўрагандан кейин баъзи депутатлар “бетараф” қолишган бўлади. Тушуниш қийин. Депутат нега бетараф бўлади? Балки қонун лойиҳаси билан етарлича танишмаганиданми? “Бетараф” депутатларни тушунолмайман, оқламайман ҳам.

Ўзбекистон оламга катта чақириқ билан чиқмоқда. Халқаро майдонда ўз ўрнимизга эга бўлиш учун кураш бошладик. Бунинг учун ҳар бир йўналишда, ҳар бир соҳада чуқур ислоҳотлар қилиш йўлидан борилмоқда. Айни бир пайтда эса айрим депутатларнинг “бетараф”лигига ҳам гувоҳ бўляпмиз.

Аҳмад ҚУРБОНОВ тайёрлади.

Ҳукумат ҳисоботи бўйича ЎЗБЕКИСТОН ХДП ФРАКЦИЯСИНИНГ МУНОСАБАТИ

Халқ демократик партияси аввалги ҳисоботларни муҳокама қилиш вақтида берган таклифлар Ҳукумат томонидан инобатга олинганини қайд этади.

Ўзбекистон Халқ демократик партиясининг фракцияси Ҳукумат томонидан 2022 йилда Давлат дастури ижроси юзасидан амалга оширилган ишларни ижобий баҳолайди ҳамда мазкур саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлайди.

Лекин, шу билан бирга, партия фракцияси **Ҳукумат келгусида айрим масалаларга алоҳида эътибор қаратиши зарур, деб ҳисоблайди.**

Биринчидан, Давлат дастурининг **60-мақсади**да репродуктив ёшдаги ва ҳомиладор аёллар, болалар учун юқори технологик тиббий ёрдам кўрсатиш тизимини такомиллаштириш белгиланган. Ўрганишларга қараганда республика аҳолиси **1991 йилга қараганда 2 бараварга ошиб, 36 миллион кишига етди,** 2022 йилда республика бўйича **932 192 та тирик туғилиш** ҳолатлари ФҲДЁ органларида қайд этилган.

Бироқ, **ўтган давр давомида янги туғуруқхоналар қурилмаган.** Ҳомиладор, туғадиган, туққан ва янги туғилган чақалоқларга юқори малакали ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатиш бўйича янги ташкил қилинган перинатал марказлар ҳам бевосита амалдаги туғуруқхоналар, туғуруқхона мажмуалари негизида ташкил қилинган.

Бунинг натижасида, республикадаги туғуруқхона ва туғуруқхона мажмуалари, шифокорлари катта иш ҳажими остида ишлашмоқда.

Иккинчидан, ижтимоий ёрдамга муҳтож ва ижтимоий нафақа тайинлаш мезонларига жавоб берадиган барча оилалар ва шахсларни ижтимоий ёрдам дастурлари билан қамраб олиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг **“Ўзбекистон Республикаси аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”** 2022 йил 25 июлдаги ПФ–175-сон Фармони қабул қилинди.

Мазкур Фармон билан тасдиқланган стратегияда Халқаро меҳнат ташкилотининг ижтимоий ҳимоянинг минимал даражалари бўйича тавсияларига мувофиқ, барча фуқаролар учун **минимал ижтимоий ҳимоя даражасини кафолатлайдиган тизимни яратиш** лозим бўлади.

Учинчидан, амалиётимизга **“Темир дафтар”, “Ёшлар дафтари”** ва **“Аёллар дафтари”** киритилганлиги – аҳолини ижтимоий ҳимоясида муҳим қадам бўлди. Жорий йилда, мазкур йўналишдаги ишларни давом эттириш, ушбу тизимни янада такомиллаштириш, **камбағал аҳоли билан ишлаш самарадорлигини ошириш Ҳукумат фаолиятининг асосий йўналиши бўлиши керак, деб ҳисоблаймиз.**

Халқ демократик партияси Давлат дастури ижросида жамоатчилик ва депутатлик назоратини самарали олиб бориш, вазирлик-идоралар билан ҳамкорлик қилиш орқали фаол иштирок этишини маълум қилади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, **Халқ демократик партияси фракцияси Ҳукумат томонидан тақдим этилган ҳисоботни тўлиқ қўллаб-қувватлайди.**

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

АСРЛАРГА ТАТИГУЛИК ҚАДАМЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ВА ҚИРҒИЗИСТОН СТРАТЕГИК ҲАМКОРГА АЙЛАНДИ

Ўзбек ва Қирғиз халқлари ўртасидаги дўстлик алоқалари узоқ мозийларга, бир неча асрлик тарихга эга. Бир дарахтнинг шохлари сингари илдиз отган туркийларнинг икки йирик вакили ҳар доим ҳамфикр, ҳамдард, ҳамқадам бўлган.

Ўтган ҳафтада Президент Шавкат Мирзиёвнинг Қирғизистонга давлат ташрифи ва унда имзоланган муҳим ҳужжатлар ўзбек-қирғиз дўстлигининг янги даврини бошлаб берди. Келажак учун ҳамкорлик ўтмишдаги яхши қўшничилик, қардошлик ришталари билан янада мустаҳкамланди. Давлатларимиз етакчилари икки томонлама муносабатларни сифат жиҳатидан янги – кенг қамровли стратегик шериклик даражасига олиб чиқувчи Декларацияга имзо чекдилар. Шунингдек, давлатлараро, ҳукуматлараро, идораларо ва ҳудудлараро 25 та ҳужжат алмашилди.

Чегара масаласидаги узил-кесил келишув чин маънода тарихий воқелик сифатида баҳоланиши табиий. Йиллар давомида одамларни ҳам, давлатларни ҳам, раҳбарларни ҳам қийнаб келган масалалар ҳал қилинди. Бунинг қадрини ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмайди. Ҳеч кимнинг бурни қонамади, ҳуқуқи топталмади. Давлатлар нуфузи, сиёсий иродасини ифодаловчи долзарб масалалар бирор-бир кескинлашувсиз, келишиш йўли билан ечим топди.

Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг кўп миллатли аҳолиси йиллар давомида дуч келган қийинчиликлар ортда қолди. Бундан буён уларнинг суҳбатларида муаммо ва тўсиқлардан қандай ошиб ўтиш эмас, балки янги марраларни қай усулда забт этиш, ҳамкорлик пиллапояларидан юқорилаш, ўзаро манфаатли алоқаларни янада бойитишга оид музокаралар ўрин олади. Бундай тарихий қарорларнинг аҳамияти ҳақида эса кенг жамоатчилик қувониб, рози бўлиб, ўз фикрларини билдирмоқда.

Икки давлат раҳбарларининг биродарлик иродаси билан бугунги кунда Ўзбекистон ва Қирғизистоннинг узунлиги 1,38 минг км. бўлган чегара чизиғида бирорта ҳам баҳсли ёки келишилмаган бўлак қолмади. Ўзаро чегара 100 фоиз делимитация ва демаркация қилинди. Бунга эриши учун нафақат дипломатия, балким икки томондан ҳам бир-бири томон қўйилган қадамлар, ўзаро қўшничилик муносабатларини яхшилашга ва ривожлантиришга интилиш асос бўлди.

ҚЎШНИЧИЛИК ВА ДЎСТЛИК ҲУКМРОН

Дилбар МАМАЖОНОВА, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Ташриф чоғида давлатимиз раҳбари ўзаро муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган асосий устувор йўналишларга тўхталиб, биринчи навбатда ўзаро савдо ҳажмини ошириш ва номенклатурасини кенгайтириш масалаларини илгари сурди. Бугунги кунда икки давлатда ҳам ўзимизнинг ишлаб чиқарувчиларимиз импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрламоқда. Ички бозорларимизни арзон ва сифатли маҳсулотлар билан тўлдириш, шунингдек, икки мамлакат пойтахтларида савдо марказларини ташкил этиш тадбиркорларимиз учун катта имкониятлар эшигини очади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон ва Қирғизистонда саноат кооперацияси доирасида қарийб 500 миллион долларлик янги инвестиция лойиҳаларини ишлаб чиқиш таклифи қўшимча иш ўринларининг яратилишига имкон беради. Маълумки, мамлакатимизда автомобилсозлик, замонавий маиший техника, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш кенг ривожланиб бормоқда. Фойдали қазилмаларни биргаликда қазиб олиш ва қайта ишлаш ҳам шулар жумласига киради.

Транспорт ва логистика соҳасидаги стратегик ҳамкорликни фаоллиштириш ва шу мақсадда, «Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон» темир йўлини қуриш ишларини жадаллаштириш, «Андижон-Ўш-Иркиштом» автомобиль йўлининг салоҳиятини тўлиқ ишга солиш ва қўшма транспорт-логистика компанияси ташкил этилиши эса икки халқни бир-бирига боғловчи, қариндош-уруғчилик ришталарни мустаҳкамловчи «кўприк» бўлади, албатта. Шу ўринда, мамнуният билан таъкидлаш мумкин-ки, 26 январдан бошлаб Фарғонадан Қирғизистонга микроавтобус қатнови қайта тикланди.

Шунингдек, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасида энергетика соҳасини ривожлантириш учун жуда катта имкониятлар мавжуд. Бунинг дастлабки босқичи сифатида, Қамбарота ГЕС-1 қурилиши борасидаги биргаликдаги саъй-ҳаракатларни амалга оширишни жадаллаштириш, эртанги кунимизга ёрқин нигоҳ билан қараш, яъни хонадонларимиз, кўчаларимизнинг чароғон бўлишига хизмат қилади.

ИШОНЧЛИ ДЎСТ БИЛАН ЮКСАЛИШ САРИ

Анвархон ТЕМИРОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси:

— Айтиш керакки, Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги икки томонлама ҳамкорликнинг табиати ва мазмуни ҳам кенгайди. Ҳозирги пайтда илгари кузатилмаган олий ва юқори даражадаги доимий сиёсий мулоқотни кўришимиз мумкин, аслида бу икки қўшни мамлакат учун хос нарсадир. Яна бир зарур жиҳат ўзаро ҳамкорликнинг принцип жиҳатидан бутунлай бошқа муҳити юзага келгани бўлди. Ишонч, баҳсли масалаларни фақат ва фақат ўзаро манфаатли ва муроса асосида ҳал этиш нияти пайдо бўлди.

Энг муҳим жиҳатлардан яна бири икки давлат ҳудудлари ўртасида алоқаларни, борди-келдиларни ривожлантириш режалари белгиланди. Жиззах ва Иссиқ-кўл, Андижон ва Ўш, Фарғона ва Боткен, Наманган ва Жалолобод вилоятлари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш бўйича 2023-2025 йилларга мўлжалланган комплекс дастурлар имзоланиши халқимизнинг ўзаро дўстлик ва ҳамжиҳатлик анъаналарини мустаҳкамлаши, халқларимизни қувонтириши табиий.

Наманганликлар Қирғизистон билан қалин дўстлик, биродарлик алоқаларини фаол қўллаб-қувватлаётганини ҳам алоҳида таъкидлаш керак.

Сардор СИРОЖИДДИН, Андижон тумани Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП гуруҳи раҳбари, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси:

— Азал-азалдан ота-боболаримизнинг ўгитларида, мақол ва ҳикояларда, шунингдек, шоир ва ёзувчиларимизнинг асарларида дўстлик туйғуси улуғланган, таъбир жоиз бўлса, бундай дунёқараш асрлар давомида қон-қонимизга сингиб келган.

Халқаро ҳамкорликни янада жадаллаштириш, бунда, айниқса, қўшни давлатлар билан илиқ ва манфаатли муносабатларни изчиллик билан кучайтириб бориш давлатимиз сиёсатининг устувор йўналишига айланди. Ушбу саъй-ҳаракатлар нафақат мамлакатлар миқёсида, балки давлат ва нодавлат ташкилотлар даражасида ҳам кенгайиб бораётир.

Шуни таъкидлаш жоизки, икки давлат раҳбарлари ўртасида ўтган очиқ, конструктив ва дўстона музокаралар чоғида, томонлар икки ёқлама ҳамкорликнинг барча жабҳаларини, жумладан, Ўзбекистон-Қирғизистон давлат чегарасининг алоҳида участкалари тўғрисидаги шартнома тузилгани икки томонлама муносабатларда чинакам тарихий воқеа сифатида қайд этилди.

Ўзим Ўш давлат университетига ўқишга кириб, у ерда икки йил таҳсил олганман. Тўғриси, Ўзбекистон ва Қирғизистон чегара постини кесиб ўтиш бир азоб, айниқса, паспорт текшируви жараёни одамнинг вақтини, асабларини олар эди. Постларда анча ушланиб қолардик. Ҳозир ҳам Ўш шаҳрига ижодий сафарлар, дўстлик фестивалларига ўтиб тураман. Табиийки, бу кишига имтиёз бермайди. Навбат кутишлар, рўйхатдан ўтиш ва муҳр босиш учун сарф-ланадиган умримиз қисмларига ачинардим. Эндиликда икки давлатнинг келушувига асосан энди ID карталари орқали ўтиши жорий этилаётгани нафақат биз каби ижодкорларни, балки сайёҳларни ҳам қувонтириши аниқ.

Ушбу тартиб Ўзбекистоннинг чегараолди ҳудудларида, айниқса, эксклав ҳудудлари бўлган Сўх, Шоҳимардон, Чўнғара каби ҳудудларимиздаги юртдошларимиз учун катта енгиллик бўлади, уларнинг чегарадан ўтишларидаги ортиқча бюрократияга чек қўйилиши аниқ.

Ушбу учрашувни яна бир қувонтирадиган томони маданий-гуманитар соҳадаги ҳамкорликни мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилганлигидир. Ўш шаҳрида реконструкцияси якунига етаётган Ўзбек мусиқали драма театри қардош халқларимиз ўртасидаги дўстликнинг ёрқин рамзи бўлиши таъкидланганлиги ҳам бу мамлакатларимиз халқлари ўртасида яқин биродарлик алоқаларини ривожлантиришда ўзаро ҳамоҳанглик касб этувчи маданий-маънавий қадриятлар ва анъаналар мавжудлигини билдиради.

ҲЕЧ КИМ ҲУДУДИЙ НИЗОГА ТОРТА ОЛМАЙДИ

Оллоберди ЙЎЛДОШЕВ, меҳнат фахрийси:

— Ўзбекистон ва Қирғизистон ўртасидаги илиқ муносабатлар ҳар томонлама фойдали. Бунга тарихий бирлик нуқтаи назаридан қараймизми, ҳудудий қўшничиликми ёки минтақавий томондан ўйлаб қарасак ҳам, манфаатли экани яққол акс этади. Биз водий халқи қўшни Қирғизистон билан яқин-яқингача аҳвол қандай бўлганини жуда яхши биламиз. Аниқроғи, биз бунинг таъмини тотиб кўрганмиз. Чунки водий ҳудудида ўзбек-қирғиз халқлари тарихан жуда яқин маъданий алоқалар ўрнатган. Қариндош-уруғчиликдан тортиб қуда-андачиликкача қоришиб кетганмиз. Бугунги кундаги алоқалар очиғи ҳаммамизни қувонтиради.

Чегара масаласидаги келишувларга “тарихий келишув” деб ном берсак бўлади, менимча. Сабаби 30 йиллик келишмовчиликларга нуқта қўйилди. Ўзаро келишувга эришилди. Давлатларимиз ўртасидаги иттифоқчилик, биродарлик халқларимизнинг ҳам янада меҳр-оқибатли, янада ҳамфикр бўлишининг асоси ҳисобланади.

Бу ерда кимдир кам, кимдир кўп ер олганлигига урғу берилмаслиги керак. Асосий урғуни ҳеч қандай зиддиятларсиз келишувга эришилганига, яъни тинчликка, барқарорликка эришганимизга эътибор қаратиш лозим. Бундан кейин бу икки қардош халқни четдан ҳеч ким ҳудудий низога торта олмайди. Миллатларимиз ўртасига нифоқ солиш қўлидан келмаслигига ишончим комил.

Кейинги йилларда олиб борилган оқилона дипломатия натижасида биз минтақанинг асосий нуқсони деймизми, камчилигими ёки нозик жойими, хуллас яна битта муаммо тинчлик билан ҳал бўлди. Демак, бугун Ўзбекистон билан келишувга келган Қирғизистон эртага Тожикистон билан ўртадаги чегара масаласини ҳам ҳал қилиши мумкин. Шахсан мен тожик-қирғиз чегара келишувида Ўзбекистоннинг воситачилигини ҳам кутяпман. Сабаби биз Тожикистон билан ҳам, Қирғизистон билан ҳам келишувга эришганмиз. Оддий айтадиган бўлсам, бизда қўшниларнинг “кўнглига йўл топиш” қобилияти шаклланган.

ХАЛҚАРО НИГОҲ

Ўзбекистон-Қирғизистон муносабатларини кузатиб турган жаҳон ҳамжамияти ҳам сўнги пайтларда олиб борилаётган прогматик сиёсатни ижобий баҳоламоқда. Табиийки, кузатувчилар орасида яхши ниятлилари билан бир қаторда, ғаразгўйлари ҳам йўқ эмас. Аммо халқаро майдонда ижобий фикрлар билидирляпти.

Хусусан, The Diplomat нашрида икки давлат ўртасидаги учрашувни “узоқ кутилган”, деб таъриф берилган. Кутиб олинишдан то ташриф якунига қадар бирор бир детални унутмаган нашр ўз нуқтаи-назарини ҳам баён қилган.

Мақолада давлатимиз раҳбарининг Қирғизистонга қайси саналарда боргани ва қаерларда бўлгани эътибордан четда қолмаган. Яъни, 2017 йилда қўшни республикага амалга оширилган давлат ташрифи тарихий бўлгани ва Ўзбекистон Президентининг Қирғизистонга 17 йил ичида биринчи марта ана шундай руҳдаги ташрифи кузатилгани таъкидланган. Демак, ушбу ҳодиса Ўзбекистон - Қирғизистон-муносабатларида бурилиш нуқтаси бўлиб хизмат қилди.

Иқтисодий мураккаблик обсерваторияси (ОЭС) томонидан тақдим этилган маълумотларга кўра, 2016 йилда Қирғизистон Ўзбекистонга 125 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилган ва 68,1 миллион доллар импортни амалга оширган. Бунинг натижасида товар айланмаси қарийб 57 миллион долларга тенг бўлган. 2020 йилда Қирғизистон қўшнисига 155 миллион долларлик маҳсулот сотган бўлса, 757 миллион долларлик сотиб олган ва товар айланмаси 602 миллион долларга етган.

Тўғри, рақамларда 100 фоиз аниқлик бўлмаслиги мумкин. Бироқ муҳими, икки давлат ўртасидаги савдо айланмаси 2016 йилда Мирзиёев ҳокимият тепасига келганидан кейин ўсгани аниқлиги айтилган.

Нашр яна бир муҳим жиҳати, чегаралар билан боғлиқ эканини ёзади. Зеро, ҳеч бир жойда икки томонлама муносабатлардаги яхшиланиш чегарадагидек яққол кўринмайди. Бир пайтлар икки томонлама мунозарали масала сифатида қаралган тушунмовчиликлар манфаатли келишувлар билан якунига етди. Демак, чегарадош давлатлар ўртасидаги ўзаро келишувлар, тинчлик ва дўстликка асосланган муносабат нафақат ўша ҳудуднинг, балки минтақанинг барқарорлигига хизмат қилади.

Шу билан бирга, Америка Қўшма Штатларининг Бишкекдаги элчихонаси Қирғизистон ва Ўзбекистон ўртасидаги алоқалар, муносабатлар ва ҳамкорлик масалаларига юқори баҳо берди.

Хабарда ёзлишича, Америка Қўшма Штатлари Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистоннинг минтақавий тинчлик ва барқарорликни таъминлашга содиқлигини намойиш этишдаги муваффақиятли саъй-ҳаракатларини олқишлайди.

Икки давлат низо эмас дипломатия йўлини танлаб, Марказий Осиё ҳамкорлиги иқтисодий тараққиёт ва алоқалар учун муҳим эканини таъкидлади.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА, “Ўзбекистон овози” мухбири.

ORAMIZDAGI ODAMLAR

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

ЎЗБЕКИСТОНГА КЕРАК ПАЙТДА ТУҒИЛГАНМИЗ

Бугунги суҳбатдошимиз ҳар доимги қаҳрамонларимиздан фарқ қилади. Болалигида президент бўлишни орзу қилган Сардорбек Мадаминов, одамларга яхшилик қилиш учун давлат раҳбари ёки машҳур шахс бўлиш шарт эмаслигини англаб етганини таъкидлайди. Ҳаётдан мақсади эса кучи ва имкони етгани қадар яхшилик қилиш, наф келтиришдан иборат. Унинг учун пул миқдорининг аҳамияти йўқ. Зотан, пулнинг қадри унинг баракаси билан, қандай фойдали мақсадга сарфлангани билан ўлчанади.

Суҳбатдошимизга бир замонлар "Сардорбек Суюнович", деб мурожаат қилишганини айтганида ажабланмадик. Чунки сўзлари равон, мақсадлари юксак, кўзларида самимийлик, энг муҳими, бугун топилиш қийин бўлиб қолган одамийлик фазилатлари акс этиб турарди. Шу кунга қадар 800 дан ортиқ китобни мутолаа қилган Сардорбек Сурхондарё вилоятининг Қизириқ туманида дунёга келган ва воҳанинг тоза ҳавоси, гўзал табиатидан баҳраманд бўлиб вояга етган. Ҳозирда 33 ёшга қадам қўйган суҳбатдошимиз болалигини хотирлади.

УНЧА МАШҲУР БЎЛМАГАН ТУМАНДА КАМОЛГА ЕТГАНМАН

Термиз, Шеробод деса, ҳамма билади, аммо мен у қадар машҳур бўлмаган Қизириқ туманидаги оддий оиланинг фарзандиман. Ҳаётимиз жуда ҳам силлиқ, пичоғимиз мойнинг устида бўлмаган.

Мактаб даврига келсак, 1997 йилда биринчи синфга борганимда биринчи олган баҳойим "3" бўлган. Ўқитувчимиз мадҳияни сўраганларида, айтиб бера олмаганим учун шу баҳога лойиқ кўрганди. Шу воқеа таъсир қилиб, 9-синфни тамомлагунга қадар фақат "5" баҳога ўқиганман. Биринчи устозимиз Озода опа Чаққонова бизни қизиқтириш учун ҳеч қаерда бўлмаган ташаббусни қўллаб, ойлик стипендия ташкил этган эди. 3 нафар ўқувчига 100, 75, 50 сўмдан пул берилар эди. Мен, Хайрулла, Фарҳод, Ғайрат билан кўпинча рақобатчи бўлиб қолардик. Ҳозирда уларнинг ҳаммаси олий маълумотли, яхши жойларда ишлайди. Фақат мен бироз ортда қолдим. 9-синфни битириш арафасида эса ўқитувчилар билан мактаб таъмири ва мажбурий обуна учун пул йиғилишига қарши чиқиб, тортишиб қолганман. Шу сабаб билан қизил аттестат ололмаганман.

Термиз ДУ қошидаги академик лицейга имтиҳон топширдим. Аммо суҳбатдан ўтолмадим. Шунда яна бир қаттиқ зарба олдим. Лекин дадам яна менга мотивация берди. Муҳими, мақсаддан воз кечмаслик эканини уқтирди. Дадамнинг орзусини амалга ошириш учун Шерободдаги лицейда халқаро филология йўналишида ўқидим. Биринчи йили қизиқиб, яхши ўқидим. Лекин кейинчалик ичимда аниқ фанларга қизиқиш кўпроқлигини англаб етдим. Тақдир тақозоси билан 2009 йилга келиб биз ўқиётган лицей тугатилиши керак бўлган. Ана шунда Термиз ДУ қошидаги академик лицейига ўтказилганмиз. Ниятим амалга ошиб, ўзим истаган муассасанинг дипломини қўлга киритганман.

Шундан сўнг Тошкент ДИУга ўқишга кириш мақсадида бир неча йил давомида имтиҳон топширганман. Қайсидир йил киролмасдим, яна қайсидир йил контрактга тушардим. Тўлов имкониятимиз бўлмагани боис ўқий олмаганман. 13 йил деганда, 2022 йилда яна талаба бўлдим. Бу сафар ҳам тўлов шартнома асосида таҳсил оляпман.

Бу қарорга келишимга эса ўша вақтдаги таълим вазири Абдуқодир Тошқуловнинг сўзлари сабаб бўлди. У киши бир дўсти ҳақида гапириб берганди. Айтишича, синфдоши математикадан жуда кучли бўлган. Ҳеч ким ишламаган мураккаб усуллар билан тенгламаларни ҳаммадан олдин еча олган экан. Лекин бир неча йил давомида ОТМга кира олмагач, ташлаб қўйганини, ўзи эса охиригача ҳаракат қилганини таъкидлади. Айни пайтда Тошқуловнинг эришганлари ҳаммамизга маълум, амма у инсоннинг синфдоши мактабда оддий қоровул бўлиб ишлаётган экан. Демак, мен ҳам мақсадимга эришиш учун тўхтамаслигим кераклигини тушуниб етдим ва контракт асосида бўлса ҳам ўқиш қарор қилдим. Ҳозирда Тошкент ДИУ Халқаро туризм факультетининг маркетинг йўналишида ўқияпман.

ЧЕТ ЭЛДА БИЗНИ КЎПРОҚ ЎЗИМИЗНИКИЛАР АЛДАЙДИ

Бир неча йил давомида ўқишга кира олмагач, дадам ва укам билан Россия давлатига ишлашга кетдик. Аввалига жуда сарсон бўлдик. Ишонувчанлигимиз панд берди. Ўзбекистонлик бўла туриб, ўз ватандошини алдашга уринганларнинг макрига учдик. Нафақат турли вилоятлар, балки ўз туманимиздан бўлганлар ҳам ишлатиб, пулимизни бермай кетди. Қайта-қайта содир бўлган бу каби воқеалар пишиқроқ бўлишга ўргатди.

Кўп қаватли уйларда яшардик. У ернинг аҳволи аянчли бўлиб қолгани учун, бузишга тўғри келган ва уйдаги аҳоли кўчада қолган. Шунинг учун ҳам ҳаммамиз баравар ишлаб, бошпана тиккалашимиз керак эди. Лекин дадам 60 ёшдан ошгани учун касалманд бўлиб қолди. Шу сабабли ортга қайтаришга тўғри келди. Укам билан қаттиқ ишлаб, уй қилдик.

Яшириб ўтирмайман. Дадамнинг биздан олдин ҳам оиласи бўлган, тақдир тақозоси билан иккинчи бор турмуш қурган. У онам билан яшаб юрган пайтлари ҳам ўзидан бўлмаган икки нафар болага узоқ йиллар давомида алимент тўлаб келган. Кейинчалик, отадош опам бизнинг яшаш шароитимизни кўриб, онасига ёлвориб алиментни бекор қилдирган эди. Шу инсондан ҳамиша чексиз миннатдорман.

Умуман, ҳаёт менга одамлар ҳаммаси бир-биридан фарқ қилишини, алдовлар, қийинчиликлар кўплигини ўргатди.

ЎЗИМНИ ТОПГУНИМЧА

2020 йилларда Муҳаммадали Эшонқуловнинг маркетинг ва инсон ўзига мақсад қўйиш билан боғлиқ тренингларида қатнашдим. Тўғриси, аравага келгунга қадар жуда ҳам кибрли бўлганман. Россияда ишлаб келганимдан кейин, ўзимга ва билимимга ишониб, ҳокимиятга қизиққанман. Компьютер соҳасини яхши билганим боис туман ҳокимлигида операторликдан, ҳатто ҳоким ўринбосари ёрдамчиси лавозимигача ишлаганман.

Ҳоким алмашганидан кейин ҳамма қатори мен ҳам ишдан бўшатилганман. Яна Россия давлатига ишга кетганман. Пул ишлаб келиб, тадбиркорлик билан шуғулланишга аҳд қилганман. Бу сафар ҳам ишонувчанлик ёки ҳуқуқларимни билмасликми панд берди. Оғзаки келишув асосида жой олиб, иш бошлаганмиз ва 100 миллион сўмга тушиб қолганмиз. Ўша пайтда бу кичкина пул эмасди.

Бу галги йиқилишимдан бизнес қилиш учун билим кераклигини ўрганганман. Иккита йўл бор эди мен учун: ёки устозлардан ўқиб, ўрганиш керак ёки ҳаётнинг ўзи синовлари билан сабоқ бериб қўяди.

Кибрланиб юрган вақтларим Муҳаммадали Эшонқуловнинг "Осмондаги болалар" лойиҳасини кўриб қолиб, қатнашдим. Ўшанда у мендан Ямайканинг президентини таниш-танимаслигимни сўраган. Инкор жавобини олгач, ўринбосарлари ҳақида сўраган. Табиийки, уларни ҳам билмасдим. Ямайкалик спринтер бор, Усейн Болт ҳақида сўраганда ҳамма танишини айтганман. Шундан сўнг халққа фойда келтириш истаги бўлса, Президент бўлиш ягона ечим эмаслигини тушунтирган. Бирор бир касбда, соҳада ўз ишини устаси бўлиш орқали ҳам одамларга хизмат қилиш мумкинлигини илк бор ҳис қилдим.

Шу тариқа олдимга мақсад қўйишдаги камчиликларимни билдим. Тўғри мақсад қўйиш кераклигини тушундим. Қарашларимиздаги ўхшашликларни кўрдим. Шундай қилиб, ривожланишга ҳаракат қилдим.

Лекин менда кибр кучли эканини айтдим. Устозим эса ўзимга ёқмайдиган иш билан шуғулланишни маслаҳат берди. Масалан, баклажга, макулатура йиғиб кўришни тавсия қилди. Бу ишни қилиб кўрган эдим. Одамларга сарғайиш ёқмагани боис арава тортишни ёқтирмаслигимни билгач, шу ишни қилишим кераклигини таъкидлади.

"Фарҳод" деҳқон бозорига келиб, дарс давомида арава тортмоқчи бўлганман. Бироқ бажара олмаганим учун бир ҳафта давомида ўз ёнимдан патта пулини тўлаганман. Бу ишни қачон ташлашимга келсак, қачонки тайёрлигимни ҳис қилганимда кейин воз кечаман. Яъни, қачон кибрим йўқолганини англаганимда, Худо дилимга солганида арава тортмай қўйсам керак.

ҲАФТАСИГА БИТТА КИТОБ ЎҚИЙМАН

Мактаб даврим дан бошлаб китобларга меҳр қўйганман. Тан олишим керак, авваллари изламаб топиб ўқимасдим. Имконим даражасида романлар, бадиий асарлар мутолаа қилганман. "Ўтган кунлар"дан тортиб, Навоийнинг "Ҳамса"сигача қайта-қайта ўқиганман. Чунки бу каби асарларни бир ўқишда тушуниш қийин. Мисол учун, кўпчилик Қодирийнинг асарини севги-муҳаббат ҳақида деб ўйлайди. Аммо у ерда ўша даврдаги тузум, маънавий муҳит, аждодларимиз қандай бўлгани, кимларга ва нималарга қарши курашгани, халқ туғёни, ноласи келтириб ўтилган. Қанчалаб олимлар изсиз кетгани, маърифат зиёларининг минглаб китоблари йўқ қилинганини кўриш мумкин.

Айни пайтда одам ўзлигини топиш, мақсадга эришиш, шахсий ривожланиш билан боғлиқ китобларга мурожаат қиляпман. Дунёни ўзгартирмоқчи бўлган одам, аввало ўзини ўзгартириши керак экан. Бунинг учун эса ягона йўл илм ва тарбия ҳисобланади. Яъни, бирга бирни қўшиш икки бўлиши ҳақида илм бизга ўргатса, унинг моҳияти ва фойдаси тарбия орқали сингдирилади. Бу эса инсонни юксак чўққиларга олиб чиқади.

Ҳар ҳафта битта китоб ўқиб тугатаман. Аммо уни яхшироқ англаш учун қайта-қайта ўқишим ҳам керак бўлади.

ИХТИСОСЛАШУВ ВА РИВОЖЛАНИШ

Ҳозир масофавий кундузги таълимда таҳсил оламан. Бизга 5 та асосий фан ўтилади. Анъанавий таълимда эса ўнлаб фан ўтилар экан. Менимча, бундай мураккаблаштиришнинг кераги йўқ. Шахсий қарашларимга кўра, Ўзбекистон бунданда ривожланишига тўсқинлик қилувчи омиллардан бири тизимда кераксиз, ортиқча фанлар кўплигидир.

Масалан, алгебрадан тангинус, катангинус тушунчалари ҳаммага ҳам керак эмас. Ваҳоланки, уларни ўқувчиларнинг ҳаммаси ҳам тушуниб етмайди. Математик дўстимиздан сўраганимизда, собиқ иттифоқ вақтида уй томини ёпиш ёки бирор нимага шакл бериш вақтида ечим топиш учун китобга киритилган ва қолиб кетган.

Тез орада Финландия ўқув тизими, дастурлари киритилиши айтиляпти. Ҳар бир бола ўз қизиқиши ва иқтидоридан келиб чиқиб, боғча ёшиданоқ бирор бир йўналишга ихтисослашиши йўлга қўйилар экан. Ўйлайманки, бу мамлакатнинг янада ривожланишида жуда муҳим. Масалан, мен мактабда ҳамма фандан яхши ўқиганман. Аммо айрим фанлардан амал-тақал қилиб баҳо олганлар эса биздан кўра яхшироқ яшаяпти ёки ўз ўрнини топа олган. Сабаби эса биз ҳамма фан билан машғул бўлиб, баҳо билан ўралашиб қолганимизда улар ўзлари учун зарур бўлган йўналишда ўсишга ҳаракат қилган. Натижада мақсадига тезроқ эришган. Ваҳоланки, ҳамма фандан яхши бўлишнинг имкони йўқ.

ҚОРА КУНДАЛИК

Яхши ва билимли бола бўлиш билан бир қаторда, бироз уришқоқ ҳам эдим. Кимдандир калтак есам, ундан қасос олиш фикри билан юрардим. Ушбу мақсадимни амалга ошириш учун «қора кундалик» тутганман ва қасд олмасдан қўймасдим. Аслида инсон унитувчан ва кечирувчан бўлиши керак экан. Буни тушуниб етгач, кундалигимдан ҳам, одатимдан ҳам воз кечдим.

Икки нарсани — одамларнинг ёмонлиги ва ўзингиз қилган яхшиликни унутиш керак. Шунда юкдан халос бўлиш мумкин. Бу фикрларга, тўхтамга келиш учун йилларимни сарфладим, тинимсиз ўқидим.

Аввалари фақатгина менга фойда келтириши мумкин бўлган кишилар билан дўстлашар эдим. Ҳозир эса ўз олий мақсадига эга, билимли, кенг дунёқараш кишиларига талпинаман.

Ҳозир ҳам кундалигим бор. Унинг номи "6 дақиқа" ва унга мақсадларимни, режаларимни ёзиб бораман. Масалан, ҳар кунлик топган пулимнинг 10 дан бир қисми онамга, худди шунчаси садақага ва ўзим учун ажратилади. Қолгани бўлса кунлик харажатлар, чиқимлар учун сарфланади. Ўзим учун деган пулимга китоб сотиб оламан, контракт тўлайман.

Айни дамда ижтимоий тармоқларда Ўзбекистондаги баъзи ёмон вазиятларга ечим айтиш ўрнига чет элга "суриш" ҳақида гапиришаяпти. Ё бўлмаса, бизни Америками ёки бирор етакчи давлат босиб олиб ҳаётимиз яхши бўлиб кетар эди, мазмунида изоҳлар чиқиб келаяпти. Айтиб қўяй, улар 200 фоиз адашишаяпти. Бу давлатни, бу мамлакатни ва бу халқнинг муаммоларини ўзимиз ҳал қила оламиз, улардан қочиш ёки четдан келиб кимдир ечим беришини кутиш... Биз бу мамлакатда бекорга шу даврда дунёга келмаганмиз. Демак, бизнинг Ўзбекистонда шу замонда дунёга келишимизда ҳам бир ҳикмат бор.

6 ТА КИТОБ

Аслида 7 рақамини яхши кўришини айтган суҳбатдошимиз кутилмаган таклифни билдирди. Таҳририятимизга ўзи севиб ўқийдиган 6 та китоб берди. Ўзини ўзгартирган, мақсад қўйишни ва унга эришишни ўргатган асарлар бошқаларга ҳам наф келтиришини истади. Яъни, ушбу мақолани ўқиганлар бир ой давомида савол ва изоҳлар қолдирса, улар орасидан энг қизиқарлилари саралаб олинади. Албатта бу танловни саҳифамиз қаҳрамони амалга оширади. Шу тариқа энг қизиқ савол ва изоҳлар, фикрлар билдирган ўқувчиларнинг 6 нафари Сардорбек томонидан совғага эга бўлади.

Яна бир гап. Суҳбатдошимиз одамларга яхшилик қилишни чин дилдан исташини тушундик. Ўз ишлари билан мақтаниш орқали савобларини камайтириб қўйишдан чўчигани учун, бу ҳақида ёзиш ёки ёзмасликни бизнинг ихтиёримизга қолдирди. Шу боис оддий ва бир вақтнинг ўзида буюк қалб эгасининг яширин истаги, яъни айримлардан фарқли равишда қилган яхшилигини сир тутишни маъқул топдик.

Ярим соат кутишдан сўнг давом этган ярим соатлик суҳбат бир олам таассурот берди. Хайрлашиш чоғида "яхши одамлар кўпайсин", деган ният билан ортга қайтдик.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА
"Ўзбекистон овози" мухбири.

ЎСИШ 5, ИНФЛЯЦИЯ 9,5 ФОИЗГАЧА

26 ЯНВАРЬ КУНИ МАРКАЗИЙ БАНК БОШҚАРУВ ЙИҒИЛИШИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН ҚАРОРЛАР ҲАҚИДА БОШҚАРУВ РАИСИ ИШТИРОКИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗИЛДИ. АСОСИЙ СТАВКА ЙИЛЛИК 15 ФОИЗ ДАРАЖАСИДА САҚЛАБ ҚОЛДИ. ҚАЙД ЭТИЛИШИЧА, ИҚТИСОДИЁТДА ЯЛПИ ТАЛАБГА ИЧКИ ВА ТАШҚИ ОМИЛЛАРНИНГ РАҒБАТЛАНТИРУВЧИ ТАЪСИРИ САҚЛАНИБ ҚОЛМОҚДА. ТАШҚИ ИНФЛЯЦИЯ ВА ИҚТИСОДИЁТДАГИ ДАРОМАДЛАРНИНГ ЎСИШИ БАЗАВИЙ ИНФЛЯЦИЯНИНГ СЎНГГИ ОЙЛАРДА ЮҚОРИ ШАКЛЛАНИШИГА САБАБ БЎЛГАН.

– Асосий ставканинг жорий даражаси иқтисодиётда нисбатан қатъий пул-кредит шароитларини сақлаб қолиш учун етарли, деб баҳоланмоқда, – дейди **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Мамаризо Нурмуратов.** – Иқтисодий вазиятнинг ривожланиб бориши ва фискал сиёсат хусусиятидан келиб чиқиб, келгуси чораклар талаб ва таклифни мувозанатлаштириш учун қўшимча чоралар кўриш зарурати юзага келиши мумкин. Сўнгги чораклар барқарор юқори иқтисодий ўсиш динамикаси кузатилмоқда. Марказлашган инвестицияларнинг мувозанатлашуви шароитида ялпи истеъмолнинг ўсиши талабни шакллантирувчи асосий омиллардан бўлди. 2022 йил якуни бўйича ЯИМ ўсиши Марказий банкнинг октябрь ойидаги прогнозларига мос бўлиб, 5,7 фоизни ташкил этди.

Жорий йилда фискал рағбатлантиришларнинг нисбатан мувозанатлашуви кутилиётган бўлса-да, ўтган 3 йилда кузатилган юқори фискал дефицитнинг ялпи талабни қўллаб-қувватловчи таъсирлари сақланиб қолмоқда. Меҳнат бозоридаги барқарорликнинг сақланиб қолиши, меҳнат ҳақи ва трансчегаравий пул ўтказмаларининг юқори ҳажмлари узоқ муддат фойдаланиладиган товарлар ва кўчмас мулкларга бўлган талабни ўсишига ва, ўз навбатида, ушбу бозорларда нархларнинг ошишига олиб келмоқда. Умуман олганда, жорий ва келгуси чораклар иқтисодиётда ижобий тенденцияларнинг шаклланиши таклиф омилларини мувозанатлашишига боғлиқ бўлади.

2022 йилда истеъмол товарлари нархларининг барча гуруҳларида кенг қамровли ўсиш кузатилди ва бу умумий йиллик инфляция даражасининг 12,3 фоизгача тезлашишида ўз аксини топди. Сўнгги ярим йилликда базавий инфляцияда ҳам барқарор ўсиш тенденцияси кузатилди ва йиллик 13,8 фоизга етди. Бу ишлаб чиқарувчилар нархлари индексининг нисбатан юқори динамикаси билан бирга келгусида инфляцион босимларнинг янада ортиши эҳтимоли бўйича сигнал бермоқда. Охирги уч ойдаги инфляцион кутилмалардаги ўсиш динамикаси келгусида инфляцион хатарлар юзага келиши эҳтимолларини оширган.

Йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб миллий валютадаги кредитлар ҳажмининг ортиши ҳисобига иқтисодиётга кредит қўйилмаларининг ўсиш суръати бироз тезлашди. Шу билан бирга, кредит портфели таркибида аҳолига ажратилган чакана кредитларнинг юқори суръатларда ўсиш тенденциялари давом этмоқда.

Ижобий реал фоиз ставкалари таъсирида банкларда депозитлар ҳажми, айниқса аҳоли омонатлари юқори суръатларда ўсиб бормоқда. Умуман олганда, ўтган йилнинг иккинчи ярмидан иқтисодиётни молиялаштириш жараёнларида таркибий ўзгаришлар кузатилиб, банклар кўпроқ ички ресурслардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишга ўтиши тезлашди. Бу, ўз навбатида, мавжуд молиявий имкониятларни самарали мобилизация қилиниши билан биргаликда иқтисодиётдаги долларлашув даражасини пасайишига хизмат қилди. Бу жараён жорий йилда ҳам давом этилиши кутилмоқда.

Макроиқтисодий ривожланишнинг прогнозларига кўра, I чоракда ЯИМ ўсишининг маълум даражада секинлашиши бўйича эҳтимоллик юқори ва 2023 йил якунида иқтисодиётнинг 4,5-5 фоизга ўсиши ва йиллик инфляциянинг 8,5-9,5 фоиз доирасида шаклланиши прогноз қилинмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Марказий банк пул-кредит шароитларининг талаб, нархлар ва инфляцион кутилмаларга таъсирини синчковлик билан баҳолашда давом этади. Кўрилаётган чора-тадбирлар талаб ва таклиф мутаносиблигини таъминлаш ҳамда инфляциянинг прогноз коридори доирасида шаклланишига ва 5 фоизлик ўрта муддатли таргетига эришишига қаратилади.

> **Пул ўтказмалари оқимининг ортиши фонида валюта операциялари кўрсаткичлари ошди. Январь-декабрь ойларида банклар томонидан аҳолидан 11,9 миллиард долларлик валюта харид қилинди. Бу 2021 йилга нисбатан 4,8 миллиард доллар ёки 1,7 баробарга кўпдир. Шу билан бирга, жисмоний шахслар 8,9 миллиард долларлик валюта сотиб олди, бу ўтган йилга нисбатан 4,3 миллиард доллар ёки деярли икки баробарга кўпдир. Умуман олганда, таклиф ҳажми талабдан 2,9 млрд. долларга ошди (2,5 млрд. долларни ташкил этган).**

Бугунги кунда дунёнинг турли нуқталарида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалар валюта курсларига салбий таъсир кўрсатмоқда. Бундай вақтда хотиржамликни сақлаган ҳолда ҳаракат қилиш, аҳоли орасида, жамоатчилик орасида турли хил асоссиз гап-сўзлар кўпайишининг олдини олиш муҳим.

Мухбиримиз мамлакатимиздаги пул-кредит сиёсати ва иқтисодиётимиздаги ўзгаришлар ҳақида **Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Мамаризо Нурмуратовга** айрим саволлар билан мурожаат қилди.

– 2022 йилда Ўзбекистонга хорижий давлатлардан пул ўтказмалари нечи баробарга ўсди?

– 2022 йилда пул ўтказмалари 16,9 миллиард долларни ташкил қилди. Бу 2021 йилга қараганда 2,1 баробарга кўпдир. Бу Россиядаги доллар ва рубль ўртасидаги кескин фарқ туфайли экспортёрлар пул ўтказмаларидан фойдалангани билан боғлиқ. Пул ўтказмаларнинг 85 фоизи ёки қарийб 14,5 миллиард доллари Россияга тўғри келади, бу 2021 йилга нисбатан 2,6 баробар кўпдир.

Биз ўзимизнинг монетар кўрсаткичларимизнинг монитор қарашларимизда бу 16,9 миллиард долларнинг ҳаммасини ўзимизда ички ялпи талабни шакллантиришга хизмат қилади, дея олмаймиз. Яъни, 11,5-12 миллиард доллар атрофидаги ушбу пул ўтказмаларини бизда ялпи талабнинг шаклланишида таъсир кўрсатувчи омил сифатида оламиз.

Яна бир сабаби Қозоғистон ва Қирғизистонда нақд долларга қўйилган чеклов ортидан қўшни давлат фуқаролари Ўзбекистонга пул ўтказмалари орқали доллар олган. Аниқроқ айтадиган бўлсак, Қирғизистон ва Тожикистонда 2022 йил давомида маълум миқдорда нақд валюта тақчиллиги юзага келгани, шу сабабли банкларда айрим чекловлар жорий этилгани билан боғлиқ. Бундай шароитда мазкур давлат фуқаролари Ўзбекистонга валюта ўтказиб, Ўзбекистон банклари орқали нақд пул олиб чиқишган. Энди буни рақамлар билан ифодалаш маълум бир жиҳатдан бизга мушкул. Чунки бизда пул ўтказмаларини тарқатаётганда қайси давлат фуқаросисан, деб фуқаролиги сўралмайди. Ўша юборилган код бўйича… Лекин биз бу нарсани доимо кузатиб боряпмиз. Қайси маънода. Қўшни давлатларга чегараолди ҳудудларга ўтаётган, кириб келаётган фуқаролар сонини ўзгаришига қараб...

– 2022 йилда аҳолидан валюта сотиб олиш, жисмоний шахсларга валюта сотиш, шунингдек, кўрсаткичлар орасидаги фарқ ошдими?

– Пул ўтказмалари оқимининг ортиши фонида валюта операциялари кўрсаткичлари ошди. Январь-декабрь ойларида банклар томонидан аҳолидан 11,9 миллиард долларлик валюта харид қилинди. Бу 2021 йилга нисбатан 4,8 миллиард доллар ёки 1,7 баробарга кўпдир. Шу билан бирга, жисмоний шахслар 8,9 миллиард долларлик валюта сотиб олди, бу ўтган йилга нисбатан 4,3 миллиард доллар ёки деярли икки баробарга кўпдир. Умуман олганда, таклиф ҳажми талабдан 2,9 млрд. долларга ошди (2,5 млрд. долларни ташкил этган).

– Ўзбекистондан бошқа давлатларга қанча долларлик хорижий валюта жўнатилган?

– Ўзбекистондан бошқа давлатларга ўтказилган пул ўтказмалари ҳажми 29 фоизга ошиб, 2,1 млрд. долларни ташкил этди. Ўрни келганда яна айтиш мумкинки, бу қабул қилувчи мамлакатлар таркибида ҳеч қандай фундаментал ўзгаришлар йўқ. Асосан ҳар доимгидек Туркия, Хитой, яъни „чельночний савдо“ атамаси боғланган давлатлардир. АҚШга пул ўтказмалари кўпайди. Фуқаролари даволаниш учун борадиган Ҳиндистон ҳам бор.

– Uzcard ва Humo банкоматлари қачон интеграция қилинади?

– Узоқ давом этган музокаралардан сўнг Humo ва Uzcard тўлов тизимлари ўзаро интеграция жараёнига келишиб олди. Биринчи босқичда банкоматларни ҳар иккала турдаги карталарни ҳам қабул қилишга мослаштириш режалаштирилган. Uzcard хусусий корхона бўлгани учун маълум жиҳатдан қийинчиликлар бўлди. Ҳозир биз келишувга эришдик ва ишларни бошладик. Бу қандай тугашини ҳозир билмайман. Май ойигача банкоматларни интеграция қилиш бўйича технологик жараённи бошладик. Иккинчи этапимизда терминалларимизни интеграция қилиш бўйича режалар мавжуд. Ушбу интеграциянинг кечикишига айрим хизматлар учун комиссиялар билан боғлиқ масалалар бўйича келишувлар сабаб бўлган.

Бундан ташқари, биз Марказий Банк сифатида бу операцияларга тижорий талабларимиз йўқ. Биз маълум бир операцияларни комиссиясиз қиладиган бўлсак, Uzcard — комиссия билан қилар эди. Ўша жойларда келишиш керак бўлди. Ва бугунги кунда биз ўша келишувга эришдик. Кеча «йўл харитаси»ни тасдиқладик, бу бўйича ишларнинг май ойида тугашини кутяпмиз.

– Иқтисодиётда долларлашув пасаядими?

– Ўтган йилнинг иккинчи ярмидан иқтисодиётни молиялаштириш жараёнларида таркибий ўзгаришлар кузатилиб, банклар кўпроқ ички ресурслардан фойдаланган ҳолда фаолият юритишга ўтиши тезлашди. Бу, ўз навбатида, мавжуд молиявий имкониятлар самарали мобилизация қилиниши билан биргаликда иқтисодиётдаги долларлашув даражаси пасайишига хизмат қилди. Бу жараён жорий йилда ҳам давом этиши кутилмоқда.

– Аномал совуқ об-ҳаво шароити озиқ-овқат маҳсулотларининг нархларига таъсир қиладими?

– Совуқ об-ҳаво шароитлари туфайли таклиф билан боғлиқ қисқа муддатли хатарлар юзага келиши айрим турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқариш ва етказиб бериш ҳажмларига таъсир кўрсатади. Аммо, жаҳон иқтисодиётининг ўзгаришларга мослашуви ҳамда Марказий банклар томонидан пул-кредит сиёсатини қатъийлаштириш бўйича кўрилаётган чоралар, глобал инфляцион жараёнларнинг янада кучсизланиши ва асосий озиқ-овқат маҳсулотлари биржа нархларининг нисбатан пасайиши бўйича эҳтимолликни оширади.

– Бугун кўпчиликни қизиқтираётган яна бир муҳим масала бор. Бу ҳам бўлса “заправка”лар очилса, газ нархи қимматлашиши мумкинми?

– Метан гази узиб қўйилди. Бу ўз-ўзидан бензин тақчиллигини юзага келтирди. Бундан биз нима хатарни кутяпмиз. Очиқ айтиш лозимки, Марказий банк эртага газ заправкалари очиладиган бўлса, газ нархининг кўтарилиши мумкинлигини тахмин қилмоқда.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ,
“Ўзбекистон овози” мухбири.

СИНГАПУР КОМПАНИЯСИ

Ўзбекистонда яратилган юқори самарали пайвандлаш материаллари ва технологияларини халқаро бозорга олиб чиқади

Ўзбекистонда яратилган юқори самарали пайвандлаш материаллари ва технологиялари хорижга экспорти йўлга қўйилмоқда.

Ўзбекистон Фанлар академияси маълумотига кўра, Академиянинг Материалшунослик институти ва Сингапурнинг «JIT Engineering & Solitions Pte. Ltd» компанияси билан мамлакатимизда яратилган юқори самарали пайвандлаш материаллари ва технологияларини Ҳиндистон ҳамда Жанубий Осиёнинг бошқа мамлакатлари бозорига олиб чиқиш ва тижоратлаштириш тўғрисида келишув имзоланди.

Келишувга мувофиқ, Материалшунослик институти маҳаллий ва иккиламчи хомашёлар асосида масъулиятли конструкцияларда (кўприклар, бинолар, технологик иншоотлар ва қурилмалар) ишлатиладиган алюминий қотишмалари, зангламас пўлат ва бошқа металлар учун юқори самарали пайвандлаш материалларини яратиш ва синовларини ўтказиш бўйича ишларни амалга оширади.

«JIT Engineering & Solitions Pte.Ltd» компанияси эса янги маҳсулотлар ва технологияни халқаро бозорга олиб чиқиш ишлари билан шуғулланади.



ОЗАРБАЙЖОНДА

Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларини кенг нишонлашга доир режа ва ғоялар юзасидан фикр алмашилди

Ўзбекистон Республикасининг Озарбайжондаги элчиси Баҳром Ашрафхановнинг Озарбайжон Миллий Фанлар академияси қошидаги Низомий Ганжавий номидаги адабиёт институтининг “Озарбайжон-Туркманистон-Ўзбекистон” адабий алоқалари бўлими бошлиғи, филология фанлари доктори, профессор, Ўзбекистоннинг “Дўстлик” ордени соҳибаси Алмаз Ульви билан учрашуви бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Ульви хоним ўзбек адабиётига юксак ҳурмат ва қизиқиш кўрсатиши ҳамда қардош Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги адабий алоқаларнинг янада ривожланишига ҳисса қўшишда давом этаётганидан мамнун эканлигини қайд этди.

У мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси ташаббуси билан 2022 йилда Ўзбекистонда юбилейлари нишонланган 13 та атоқли ўзбек шоир ва ёзувчилари ҳақида мақолалар ва уларнинг ижодларидан намуналар тўпламини ҳамда ўзбек-озарбайжон тилшуноси, турколог Халид-Саид Ходжаевнинг “Янги алифбо билан ишлаш йўлидаги хотира ва ҳиссиётларим” номли китобини элчихонага туҳфа этди.

Суҳбат давомида 2023 йилга мўлжалланган тадбирлар режаси, шу жумладан, феврал ойида Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг таваллуд кунларини кенг нишонлаш бўйича режа ва ғоялар ўртоқлашилди.

МАРКАЗИЙ ОСИЁДАГИ ЭНГ ЙИРИК

шамол электр станцияси қурилади

Бирлашган Араб Амирликларининг «Масдар» компанияси томонидан Навоий вилоятининг Томди туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станцияси қурилади.

Ўзбекистон Энергетика вазирлиги маълумотига кўра, «Масдар» ва Хитойнинг «Голдвинд» компаниялари ўртасида Навоий вилоятининг Томди туманида қурилаётган шамол электр станцияси учун 111 та турбинани етказиб бериш бўйича шартнома имзоланган. Шунга кўра, Хитойнинг Ланчжоу шаҳридан Ўзбекистонда қурилаётган шамол электр станцияси учун шамол генератори ва турбиналари махсус транспорт воситалари орқали олиб келинмоқда.

Мазкур электр станция жорий йил якунида ишга туширилади ва у Марказий Осиёдаги энг йирик шамол электр станцияси бўлиб ҳисобланади.

Станция тўлиқ ишга туширилгач, йилига 1 млрд 800 млн кВт-соат электр энергияси ишлаб чиқарилади. Бунинг натижасида йилига 540 млн куб метр табиий газ тежалишига эришилади ва атмосферага 720 минг тонна зарарли газлар чиқишининг олди олинади.

Эслатиб ўтамиз ушбу йирик лойиҳа Президентимизнинг 2020 йил 22 декабрдаги қарори асосида амалга оширилмоқда.

ОАВ хабарлари асосида тайёрланди.

HAMKORIMIZ

instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ”

“ЎЗСУВТАЪМИНОТ” АЖ 2022 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР САРҲИСОБИ, ЖОРИЙ ЙИЛДАГИ РЕЖАЛАР ҲАҚИДА МАТБУОТ АНЖУМАНИ ЎТКАЗДИ. ИЧИМЛИК СУВИ ТАЪМИНОТИ ВА ОҚОВА СУВЛАРНИ ЧИҚАРИБ ЮБОРИШ СОҲАСИДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН ИШЛАР, ЭРИШИЛГАН НАТИЖАЛАР ВА КЎРСАТКИЧЛАР ХУСУСИДА АТРОФЛИЧА МАЪЛУМОТ БЕРИЛДИ.

ЮТУҚ ВА РЕЖАЛАР

– Ўтган йилда барча дастурлар доирасида 3,3 триллион сўм бюджет маблағлари ва халқаро молия институтларининг 185,5 миллион АҚШ доллар маблағлари ўзлаштирилди, – дейди **“Ўзсувтаъминот” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Хуршид Раҳматуллаев.** – Ушбу маблағлар ҳисобидан республика бўйича жами 7130,1 километр ичимлик ва 232,9 километр оқова сув тармоқлари тортилди, 859 та ичимлик ва оқова сув иншоотлари қурилди, реконструкция қилинди. Хусусан, ўтган йилда Осиё тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан Тошкент вилоятида кунлик қуввати 100 минг куб метр бўлган “Қодирия” ҳамда Жиззах шаҳрида кунлик қуввати 30 минг куб метр бўлган оқова сув тозалаш иншоотлари, Жаҳон банки маблағлари ҳисобидан Бухоро шаҳрида кунлик қуввати 100 минг куб метр бўлган оқова сув тозалаш иншооти ҳамда Ислом тараққиёт банки маблағлари ҳисобидан Ширин шаҳрида кунлик қуввати 4 минг метр куб бўлган оқова сув тозалаш иншооти ишга туширилган.

Ҳудудларда ичимлик суви таъминоти ва оқова сув тизимларини ривожлантириш мақсадида ҳудудий сув таъминоти корхоналарининг ўз маблағлари ҳисобидан 82,8 км ичимлик суви тармоқлари тортилиб, 7 та сув қудуғи қазилди ва 121 та янги насос ускуналари ўрнатилди. Шунингдек, 44,9 миллиард сўм молиялаштириш эвазига 1,8 минг километр ичимлик суви тармоқлари ва 1,8 мингта насос ускунаси мукаммал ва жорий таъмирланган.

Ҳисобот даврида ичимлик суви таъминоти ва оқова сув объектларида энергия тежамкор технологияларни жорий этишга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Жумладан, Қорақалпоғистон Республикасида жами 90,5 кВт қувватдаги қуёш панеллари ўрнатилди. Сирдарё вилоятида 39 та қуёш фотоэлектр станциялари ҳамда қуёш панелларини ўрнатиш мақсадида умумий қиймати 220,46 миллион сўмлик шартнома имзоланди. Самарқанд вилоятида 4 та, Сурхондарё вилоятида 3 та ҳамда Жиззах вилоятида 2 та сув иншоотларига қуёш панелларини ўрнатиш мақсадида тендер савдолари бўйича тегишли эълонлар қўйилди.

Шу билан бирга, “Сирдарё сув таъминоти” МЧЖ томонидан 37 та, “Сурхондарё сув таъминоти” МЧЖ томонидан эса 16 та амалдаги насослар энергия тежамкор насосларига алмаштирилиши натижасида бир ойда 77 минг кВт электр энергия иқтисод қилинди. Ўтган йилда Наманган шаҳридаги “Қизил равот” сув иншоотида 3 та насоснинг тежамкорлик насосларига алмаштирилиши эвазига 1 йилда 6570 минг кВт иқтисод қилинишига эришилади.

Анжуманда ўтган йил давомида “Ўзсувтаъминот” АЖ ва унинг ҳудудий сув таъминоти корхоналарига келиб тушган мурожаатлар статистикаси тўғрисида ҳам маълумот берилди.

» Аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш ва тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида акциядорлик жамиятида 12-55 қисқа рақамли “Call markaz” 24/7 режимда фаолият юритиб, шу орқали 144 мингта мурожаат қабул қилинган ва уларнинг 87 фоизи ижобий ҳал этилган.

Ўтган йил давомида 28301 та мурожаат келиб тушган. Ушбу мурожаатларнинг 90 фоизга яқини тегишли тартибда кўриб чиқилган ва қаноатлантирилган. Шунингдек, аҳоли мурожаатларини кўриб чиқиш ва тезкорлик билан ҳал этиш мақсадида акциядорлик жамиятида 12-55 қисқа рақамли “Call markaz” 24/7 режимда фаолият юритиб, шу орқали 144 мингта мурожаат қабул қилинган ва уларнинг 87 фоизи ижобий ҳал этилган.

Бундан ташқари, ўтган йилда амалга оширилган ишлар натижасида республика аҳолисининг марказлашган ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 69,7 фоиздан 74,4 фоизга, оқова сув хизматлари билан қамраб олинганлик даражаси эса 17,2 фоиздан 18,9 фоизга етказилган. Ичимлик сувини сотиш ҳажми 1,19 миллиард метр кубга, сув ҳисоблагичлари мавжуд истеъмолчиларнинг сони 2,42 миллиондан 2,83 миллионга, сув ҳисоблагичлари билан таъминланганлик даражаси эса 64,3 фоизга етказилиб, истеъмолчилар базаси 242 минг истеъмолчига оширилган.

Аҳолига кўрсатилаётган ичимлик суви таъминоти ва оқова сув хизматларининг сифатини янада ошириш, соҳани трансформация қилиш йўлида кенг кўламли ишлар бажарилганига қарамай, тизимда бир қатор муаммолар сақланиб қолмоқда. Истеъмолчилар тўлов маданиятининг пастлиги ва бунинг оқибатида республикада дебитор қарздорлик миқдори ортиб бораётгани шулар жумласидандир. Аниқроқ айтганда, бугунги кунда истеъмолчиларнинг жами дебитор қарздорлиги 1,3 триллион сўмга етган. Шундан жисмоний истеъмолчиларнинг қарздорлиги 1,1 триллион сўмни, юридик истеъмолчиларнинг қарздорлиги эса 208 миллиард сўмни ташкил этади.

Истеъмолчиларга қулайлик яратиш мақсадида тўловларни электрон тарзда, яъни Payme, Upay ва бошқа электрон тўлов тизимлари, тижорат банкларининг мобиль иловалари, “Шахсий кабинет” хизмати ва “UzWater” телеграм-боти орқали амалга ошириш имконияти яратилди. Шунингдек, аҳолининг тўлов маданиятини юксалтириш, сувдан оқилона фойдаланиш муҳимлигини тарғиб қилиш мақсадида ижтимоий видеороликлар тайёрланиб, уларни Тошкент метрополитени ва шаҳар бўйлаб қатнайдиган автобуслардаги мониторларда намойиш этилиши йўлга қўйилди.

Шунингдек, мутасаддилар 2023 йилда амалга оширилиши белгиланган асосий вазифаларга ҳам тўхталиб ўтди. Жумладан, истеъмолчилар базасида абонентларнинг сони 4,4 миллиондан 4,6 миллионга етказилиб, 202 минг истеъмолчига етказилиши мақсад қилинган. Шу билан бирга, истеъмолчиларнинг сув ҳисоблагичлари билан таъминланганлик даражаси 70 фоизга етказилади.

Бундан ташқари, жамият тасарруфидаги корхоналарда жами 628 та янги иш ўрни яратиш кўзда тутилган. Қолаверса, Халқаро молия институтларининг 265,8 миллион доллар маблағи ҳисобидан 2023 йилда жами 400 километрдан ортиқ ичимлик ва 120 километр оқова сув тармоқларини ётқизиш, 1 та сув тозалаш ва 18 та сув тақсимлаш иншоотини, 2 та оқова сув тозалаш иншоотини, 15 та оқова сув насос станциясини қуриш режалаштирилган. Жумладан, жорий йилда Гулистон ва Янгиер шаҳарларида кунлик умумий қуввати 37 минг куб метр бўлган 2 та оқова сув тозалаш иншооти фойдаланишга топширилади.

Бир сўз билан айтганда, жорий йилда дастурлар доирасида 1,1 миллион нафар аҳолини илк бор ичимлик суви билан таъминлаш, таъминланганлик даражасини 77 фоизга, оқова сув хизмати билан қамраб олинганлик даражасини эса 19,5 фоизга етказиш режалаштирилган.

Тоштемир ХУДОЙҚУЛОВ.

УМИДВОР ВА МАНФААТДОРМИЗ

Ўрол ЎРОЗБОЕВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги ЎзХДП фракцияси аъзоси:

— Мактабгача таълимдаги ўзгаришларни бугун ҳар бир юртдошимиз кўриб турибди. Соҳада йиғилиб қолган муаммоларни ҳал этиш ва 3 ёшдан 7 ёшгача бўлган болаларнинг тўлақонли таълим-тарбия олишини таъминлаш масаласи кечиктириб бўлмас вазифа сифатида илгари сурилмоқда.

Сабаби боғчалар таълим муассасаси вазифасини бажариш ўрнига ота-она ишда бўлган вақтда болага қараб турадиган муассасага айланиб қолгани, қамровнинг пастлиги, биноларнинг таъмирталаблиги, бошқа мақсадларда ишлатилгани, методик жиҳатдан тўлиқ таъминланмагани, педагоглар ижтимоий ҳимояси ва маошининг пастлиги каби комплекс муаммоларни ҳал этиш кечиктириб бўлмас масала эди. Кейинги 20 йил давомида давлат тасарруфидаги мактабгача таълим муассасалари сони 45 фоизга камайгани, 2,45 миллион боладан 818 минг нафаригина боғчаларга қамраб олингани бу фикрлар исботи бўла олади.

Илгари мактабгача таълим муассасалари инфратузилмаси ва моддий-техник базасининг яроқсиз ҳолати болаларни мактабгача таълим билан тўлиқ қамраб олишни таъминлашга имкон бермасди.

Айрим мутасаддиларнинг сусткашлиги туфайли соҳани ривожлантириш бўйича белгиланган ишлар вақтида бажарилмагани, нодавлат болалар боғчасини очиш борасидаги ҳаракатлар пайсалга солингани, жойлардаги боғчаларда қурилиш ишлари тўлиқ якунига етказилмагани каби камчиликлар ўз ортидан узлуксиз хатоликларни эргаштириб келарди. Ўрганиш шуни кўрсатдики, мактабгача таълимни бошқаришнинг амалдаги тизими мавжуд муаммоларни ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш, шунингдек, мазкур соҳани янада ривожлантириш учун инновацион қарорларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш имконини бермай қолган эди.

Президентимизнинг илғор ташаббуслари билан таълимнинг илк босқичини ривожлантиришнинг кўплаб йўналишлари белгилаб олинди. Хусусан, мактабгача таълим тизимини таркибий жиҳатдан тубдан ислоҳ қилиш, мазкур муассасаларга болаларни тўла қамраб олиш бўйича муҳим вазифалар қўйилди.

Боғча тарбиясини олган бола билан боғчага бормаган болани солиштирганда, уларнинг фикрлаш даражаси ўртасида ер билан осмонча фарқ борлигини сезиш қийин эмас.

Ҳар қандай таълимнинг асоси — методика, жумладан, мактабгача таълимники ҳам. Мактабгача таълимни сифат босқичига кўтаришда янги таълим методлари, инновацион технологияларнинг аҳамияти катта. Сабаби МТТнинг моддий-техник базаси юқори бўлса-ю, тарбиячи бола билан ишламаса, унга ҳар куни янги маълумотларни ўргатмаса, ҳамма қилинган ҳаракатлар натижаси нолга тенглашиб қолади.

Мактабгача таълим соҳасига ихтисослашган кадрлар тайёрлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Қабул қилинаётган барча-барча қарорларни амалга оширадиган, фарзандларимизга энг зарур ҳаётий тушунча ва кўникмаларни ўргатадиган юқори малакали тарбиячиларни тайёрлаш масаласи кун тартибига чиқди.

Мактабгача таълим тизимида олий маълумотли мутахассисларга эҳтиёж эса педагогика университетларида мактабгача таълим йўналишига қабул квоталарининг оширилиши ва номутахассис кадрларни қайта тайёрловдан ўтказиш эвазига тўлдирилмоқда. Илғор хорижий тажрибалар асосида мактабгача таълим тизимидаги педагог кадрлар малакасини ошириш бўйича ўқув-режа ва дастурларни такомиллаштириш, олий таълим муассасалари махсус сиртқи бўлимларининг “Мактабгача таълим” йўналиши бўйича 2018 – 2023 йиллар учун квоталар ажратиш масаласига эътибор қаратилди.

Дунё мамлакатларининг мактабгача таълим соҳасидаги тажрибаларини ўрганиш ва улардан миллий менталитетимизни ҳисобга олган ҳолда фойдаланиш натижасида халқаро стандартлар даражасидаги мактабгача таълим тизими яратилади.

Тизимни танқидий ўрганиш ва янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича комиссия ташкил этилди. Комиссия томонидан мактабгача таълим соҳасидаги қонунчилик, коррупция ва бошқа ҳуқуқбузарликларни юзага келтирувчи нормаларни аниқлаш нуқтаи назаридан таҳлил этилди. Шунингдек, мактабгача таълим соҳасида давлат сиёсатини самарали рўёбга чиқаришга тўсқинлик қилувчи тизимли муаммоларни аниқлаш ҳамда комплекс ўрганиш ишлари амалга оширилди.

Буларнинг ҳаммаси яхшилик учун. Таълим-тарбия биз учун нажотдир! Мактабгача таълимнинг порлоқ келажагидан барчамиз умидвор ва манфаатдормиз.

САНОАТ ЙЎЛИ БИЛАН ИШЛАБ ЧИҚАРИЛАДИГАН ТРАНСЁҒЛАР ҲАЛИ-ҲАНУЗ ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ТАЙЁРЛАШДА КЕНГ ҚЎЛЛАНИЛМОҚДА. БУ ЭСА, ЕР ЮЗИДА ЯШОВЧИ САККИЗ МИЛЛИАРДДАН ЗИЁД АҲОЛИНИНГ БЕШДАН БИР ҚИСМИ САЛОМАТЛИГИГА ЖИДДИЙ ХАВФ СОЛЯПТИ.

ЖССТ:

ТРАНСЁҒЛАР ИСТЕЪМОЛИНИ БУТУНЛАЙ ТАҚИҚЛАШ ВАҚТИ КЕЛДИ

Кеча Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти томонидан маълум қилинишича, йилига ярим миллион одамнинг юрак-қон томир касалликлари оқибатида эрта ҳаётдан кўз юмишига айнан шундай зарарли ингредиентлар сабаб бўлмоқда.

Шу боис, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатларда 2021 йилдан бошлаб фақат 100 грамм ёғ таркибида 2 граммдан кам трансёғлар бўлган маҳсулотлар савдосига рухсат берилган.

Данияда эса саноат йўли билан тайёрланадиган трансёғларга 20 йил олдин кескин чекловлар жорий этилган. Шу туфайли ҳозир ушбу давлатда юрак-қон томир касалликларига чалиниш ҳолатлари сезиларли даражада камайган.

“Трансёғлар инсон ўлимига сабаб бўлувчи заҳарли моддалардир, — дейди ЖССТ раҳбари Тедрос Гебрейесус. — Шундай экан, уларнинг истеъмолини бутунлай тақиқлаш вақти келди. Бу борада ҳукуматларни кескин чоралар кўришга чақирамиз”.

Таҳлилларга кўра, трансёғларни кўп истеъмол қилиш соғлиқ учун зарарли. У липометаболик касалликлар ривожланиш хавфини оширади. Бундан ташқари, юрак-қон томир хасталикларини келтириб чиқаради.

Эслатиб ўтамиз, маргарин, "фаст-фуд", ярим тайёр егуликлар, нон ва нон маҳсулотлари, қандолатлар ҳамда қовурилган картошка фриси таркибида трансёғлар кўп миқдорда учрайди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги Матбуот хизмати.

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

РОСТ давра

“Рост24” сайти томонидан 2022 йилда оммавий ахборот воситаларида энг фаол ёритилган, тизимда очиқлик ва шаффофликни намоён этган, халқ билан ишлашда самарали натижаларга эришган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари, жамоат ташкилотлари ўртасида "Йил танлови – 2022" сарҳисоби маросими ўтказилди.

Танлов ижтимоий сўров ҳамда журналист ва блогерларнинг эътирофи асосида “Энг намунали вилоят”, “Энг намунали вазирлик”, “Энг намунали давлат ва жамоат ташкилоти”, “Энг намунали туман”, “Энг фаол депутат”, “Йилнинг медиа лидери”, “Йилнинг энг намунали матбуот котиби” ҳамда йил давомида халқнинг ишончини қозонган тижорат банклари каби номинациялар бўйича сараланди. Шунингдек, “Йил одами” ҳам эълон қилинди.

Эътиборли жиҳати, мазкур танловга айни пайтда ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда фаолияти кенг ёритилаётган, халқнинг кундалик турмушида кўп бора дуч келадиган, жамоатчилик томонидан эътироф этилаётган тизимлар саралаб олинган. Танлов 3 босқичда бўлиб ўтди.

Ўзбекистоннинг фаол журналистлари ва блогерлари эътирофи асосида таъсис этилган анъанавий “Йил танлови – 2022” да энг намунали давлат ва жамоат ташкилотлари, ҳокимликлари, шунингдек, қўшимча рағбатлантирувчи номинациялар ғолиблари махсус сертификат, танлов рамзий статуэткаси ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

Журналистлар ва блогерларни бир даврага жамлаган "Йил танлови – 2022" сарҳисоби маросими ҳақида «Ishonch» va «Ishonch-Доверие» газеталари Бош муҳаррири қуйидагича фикр билдирган:

– Хўш, энди икки оғиз "Рост24"чиларнинг тадбири ҳақида ҳам тўхталиб қўйсам. Аввало, бу тадбирнинг ўзи мамлакатимизда очиқликнинг катта белгиси. Исмат Хушев буни ўз сўзида чиройли қилиб тарифлаб берди. Ташкилотчи Анора Содиқова, ўнлаб янги журналистика вакилларига раҳмат, шу кунга етиб келиш учун курашиш керак эди, курашишди, ахир сўз эркинлиги ўз-ўзидан эришиладиган масала эмас. Тадбирда ҳамма томондан вакиллар бўлди. Ҳеч кимни тан олмайдиганидан тортиб, мақтаб ёзишдан яшаб юрганларгача. Тушунинг, бу бизнинг боримиз. Биз ўзимизни боримизча қабул қилишни ўрганишимиз керак...

Бу ростан ҳам катта қадам. Вақти келиб, жамиятнинг барча иштирокчилари, жамият фильтри вазифасидаги журналистларнинг улар ҳақидаги холис хулосаларига бунданда каттароқ, очиқроқ эътиборда бўла бошлашларига умид қиламиз. Ўзбекистонни фақатгина амалда ўтирганлар эмас, балки ҳаммамиз, биз журналистлар ҳам юракдан севамиз ва унинг ривожланиши, дунёдаги энг кучли мамлакатлар сафига чиқишини истаймиз. Айтилмоқчи бўлган мақсад шу эди...

Human.uz сайти раҳбари қўлга олинган

27 январ куни Human.uz сайти директори Хуршид Далиев, сайт бош муҳаррири Муслим Мирзажонов ва сайтнинг бошқа ходимлари нашрнинг Тошкент давлат аграр университети ҳудудида жойлашган офисидан олиб кетилган.

Давлат хавфсизлик хизмати Human.uz сайти раҳбари ва бошқаларнинг қўлга олиниши бўйича маълумот берди.

Маълум қилинишича, қўлга олинганлар Телеграмдаги “Kompromatuzb” ва бошқа каналлар орқали қилинган товламачилик жиноятларига алоқадорликда гумонланяпти.

Давлат хавфсизлик хизмати Human.uz сайти директори Хуршид Далиев ва бошқаларга нисбатан очилган жиноят иши бўйича расмий маълумот берди.

Маълум қилинишича, жиноят иши ДХХ томонидан очилган ва бунга фуқаро И.А.нинг мурожаати сабаб бўлган. Хуршид Далиев ва бошқалар Телеграмдаги “Kompromatuzb” ва бошқа каналлар орқали қилинган жиноятларга алоқадорликда гумонланяпти.

Уларга нисбатан Жиноят кодексининг 165-моддаси 2-қисми “в” банди (бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган товламачилик) билан жиноят иши қўзғатилган ва ҳозирда дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

“Тергов давомида процесс иштирокчилари адвокат билан таъминланган. Тергов жараёнларини олиб боришда уларнинг қонун билан белгиланган ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланиши кафолатланади. Ушбу жараён билан боғлиқ маълумотлар доимий равишда эълон қилиниб борилади”, – дейилади ДХХ ахборотида.

“Аниқланишича, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга фуқаролардан ушбу интернет-нашрда ишловчи ходимлар билан боғлиқ мурожаатлар келиб тушган. Уларга асосан Тошкент вилояти Қибрай тумани Университет кўчаси 2-уйда тезкор тадбир ташкил этилган.

Рақамли технологиялар вазирлигининг маълумотига кўра, Human.uz веб-сайти Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот мавжуд бўлган интернет тармоғи реестрига киритилмаган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ундан фойдаланилишига чеклов қўйилмаган.

Мавжуда Мирзаева ҳам ҳибсга олинган

Собиқ Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги матбуот хизмати раҳбари Мавжуда Мирзаева «Kompromat иши» доирасида ҳибсга олинган. Бу ҳақда иш тафсилотларидан хабардор манбалар Kun.uz’га хабар берган.

Унга кўра, Мавжуда Мирзаева айни пайтда ДХХ тергов ҳибсхонасида тергов қилинмоқда. Унга нисбатан 10 кунлик ҳибс бўйича суд санкцияси ҳам борлиги айтилади.

Мирзаева ДХХ ҳибсхонасида қолаётгани ҳақидаги маълумотни унинг қизи Зарина Мирзаева ҳам тасдиқлаган. У икки кундан буён онаси билан кўриша олмаган.

«Уйда ёлғизман, икки киши турардик. Онамнинг ҳозирги аҳволидан қаттиқ хавотирдаман. Нега бизга – яқинларига иш бўйича бирор маълумот беришмаяпти. Эшитишимча, ўн кун тергов бўлар экан», – деган у.

Kun.uz манбаларига кўра, ушбу иш доирасида яна бир давлат ташкилотининг матбуот хизмати раҳбари ҳам терговга тортилгани айтилмоқда.

Сўнгги маълумотларга кўра, Муслим Мирзажонов ва Human.uz сайтининг яна 4 нафар ходими қўйиб юборилган.

Лавҳа ИИБга чақириш учун асос бўла оладими?

“Yoshlar” телеканалининг Навоий вилояти бўйича мухбири Холбиби Сафарова Фейсбукдаги саҳифасида шундай пост қолдирган:

– Кеча "Yoshlar" каналига Навоий шаҳрида чиқиндилар ўз вақтида ташиб кетилмаётгани ҳақида лавҳа бергандим. Бугун шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари мени "олиб кетиш" учун ИИБдан Бекзод деган ходимни жўнатибди. Бормадим, энди чақирув хати юборармиш. Қандай жиноят қилдим, билмасам... Ҳоким ўринбосари нега мени ИИБ орқали "олиб кетмоқчи?"...

Ҳолат бўйича шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари аниқлик киритиб, англашилмовчилик бўлганини маълум қилган. «Ёшлар» каналида берилган лавҳадан унинг хабари бўлмаган экан. Ўткир Ҳақбердиевнинг қайд этишича, ҳеч кимни чакиртириш учун одам жўнатмаган.

Кейинроқ ИИБ ходимининг келгани ҳақидаги маълумот Хонбиби Сафарованинг саҳифасидан ўчирилган.

Саҳифани Тоштемир МУРОД тайёрлади.

Нукус шаҳридаги оммавий тартибсизликлар бўйича 22 нафар судланувчига ҳукм ўқилди

2023 йил 31 январь куни, Бухоро вилоят суди биносида 2022 йил 1-2 июль кунлари Нукус шаҳридаги оммавий тартибсизликларни содир этганликда айбланаётган 22 нафар судланувчига оид жиноят ишини кўриб чиқиш бўйича суд жараёни тугаб, суд ҳукми эълон қилинди.

Ушбу жиноят иши Қорақалпоғистон Республикаси судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати судьяси Елубай Абибуллаев раислигида биринчи инстанция судида кўриб чиқилди.

Эълон қилинган суд ҳукмига кўра, Саламат Калилаев, Нурлан Султамуратов 3 йилдан; Полат Нурниязов 4 йил; Қаҳарман Сейтимов ва Бердах Генжебаев 5 йилдан; Саиипназар Калимов, Арислан Темирханов ва Полат Шамшетов 6 йилдан; Амирбек Адилбеков, Бахтияр Кадирбергенов, Сейдабулла Медетов ва Нурлан Найипов 7 йилдан; Разбек Бекмуратов, Султанбек Каипов, Даўлетмурат Джиемуратов ва Байрам Сейтниязов 8 йилдан; Аллабай Тоқимбетов 8 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланди.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланганларга нисбатан тайинланган жазо муддатларини улар қамоққа олинган кундан бошлаб ҳисобланиши белгиланиб, жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланди.

Шунингдек, Азамат Нуратдинов 5 йил, ЖКнинг 62-моддасига асосан дастлабки қамоқда ўтириган 6 ой 13 куни чегирилиб, ўташ учун 4 йил 5 ой 17 кун;

Ахмет Сметуллаев 5 йил, ЖКнинг 62-моддасига асосан дастлабки қамоқда ўтириган 6 ой 22 куни чегирилиб, ўташ учун 4 йил 5 ой 8 кун;

Азамат Турданов 5 йил, ЖКнинг 62-моддасига асосан дастлабки қамоқда ўтириган 6 ой 25 куни чегирилиб, ўташ учун 4 йил 5 ой 5 кун озодликни чеклаш жазосига судландилар.

Озодликни чеклаш жазосига судланган А.Нуратдинов, А. Сметуллаев ва А.Турданов суд залида қамоқдан озод қилинди.

Лолагул Каллиханова 8 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, ЖКнинг 62-моддасига асосан дастлабки қамоқда ўтирган 6 ой 24 куни тайинланган жазодан чегирилиб, ўташ учун 7 йил 5 ой 6 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси қолдирилиб, ЖКнинг 72-моддаси қўлланилиб, жазо 3 йил синов муддати билан шартли деб белгиланиб, суд залида қамоқдан озод қилинди.

Даулетмурат Тажимуратов ЖКнинг 159-моддаси 4-қисми, 167-моддаси 3-қисми “а” банди, 243-моддаси, 244-моддаси 3-қисми ва 244-1-моддаси 3-қисми “а”, “б”, “г” бандларида назарда тутилган жиноятларни содир этганликда айбли деб топилиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 16 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига судланиб, жазонинг дастлабки 2 йилини турмада, қолган қисмини қаттиқ тартибли колонияда ўташ белгиланди.

Шунингдек, судланганлар Д.Тажимуратов, Л.Каллиханова, А.Турданов, А.Сметуллаев ва Д.Джиемуратовнинг айбидан ЖКнинг 28,104-моддаси 3-қисми “а” банди, судланганлар Р.Бекмуратов билан С.Каиповнинг айбидан ЖКнинг 104-моддаси 3-қисми “а” банди, судланган А.Нуратдиновнинг айбидан ЖКнинг 244-1-моддаси 3-қисми “г” банди чиқарилди.

Бундан ташқари, содир этилган жиноятлар оқибатида етказилган 6,8 миллиард сўмдан ортиқ зарарнинг 256 миллион сўми қопланганлиги инобатга олиниб, қопланмаган 6,5 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги моддий зарарларни судланганлардан солидар тартибда ундириш, ўзлаштириш йўли билан талон-торож қилинган 228 миллион сўм зарарни судланган Д.Тажимуратовдан ундириш, судланганларга тегишли бўлиб жиноят иши доирасида хатловга олинган мол-мулкларни келтирилган зарарни қоплашга қаратиш белгиланди.

Мазкур ҳукмдан норози тарафлар Қорақалпоғистон Республикаси суди орқали Олий суднинг Жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанциясига процессуал қонунчиликда белгиланган тартиб ва муддатларда шикоятлар беришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақли эканлиги маълум қилинади.

Шунингдек, жиноят ишини тергов қилиш давомида йўл қўйилган айрим хатокамчиликларга нисбатан хусусий ажрим чиқарилди.

Диққат, Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси рамзи ўзгарди.

Уюшма томонидан Уюшмани янги намунадаги рамзини яратиш бўйича эълон қилинган танловда қуйидаги рамз ғолиб, деб топилди ва Бошқарув аъзолари томонидан маъқулланди.

SPORT

+2 +7 Қорақалпоғистон Республикаси Хоразм | +5 +10 Бухоро Навоий | +5 +10 Тошкент Самарқанд Жиззах Сирдарё | +8 +13 Қашқадарё Сурхондарё | +2 +7 Андижон Наманган Фарғона | +8 +10 Тошкент шаҳри

t.me/uzbekiston_ovozi_gazetasi facebook.com/uzbekistonovozi instagram.com/uzbekiston_ovozi info@uzbovozi.uz www.uzbovozi.uz

ЭНГ ЯХШИ ШАХМАТ МАМЛАКАТИ

14-29 ЯНВАРЬ КУНЛАРИ НИДЕРЛАНДИЯНИНГ ВЕЙК-АН-ЗИ ШАҲРИДА ШАХМАТ БЎЙИЧА НУФУЗЛИ «TATA STEEL-2023» ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТДИ. БУ МУСОБАҚАДА ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ШАХМАТ ОЛИМПИАДАСИ ЧЕМПИОНЛАРИ НОДИРБЕК АБДУСАТТОРОВ ВА ЖАВОҲИР СИНДОРОВ ҲАМ ИШТИРОК ЭТДИ.

БИР ҚАДАМ ҚОЛГАНДА...

Нодирбек Абдусатторов етакчи гроссмейстерлар қаторида «Masters» гуруҳида, Жавоҳир Синдаров эса «Chellenjer» гуруҳида ғолиблик учун кураш олиб борди. Турнирнинг 1-турида Нодирбек Абдусатторов қора доналарда ўйнаб, руминиялик Рихард Раппортни мағлубиятга учратди. Нодирбек иккинчи турда америкалик Фабиано Каруна билан учинчи турда эса Гукеш билан дурангга имзо чеккан бўлса, тўртинчи турга келиб салкам олти соатлик ўйинда эронлик Парҳам Магсодлуни мағлуб этди. Абдусатторов кейинги турда машҳур шахмат қироли Магнус Карлсенга қарши дона сурди ва уни ҳам доғда қолдирди. Нодирбек 2800+ энг юқори рейтингдаги шахматчини қора доналарда ютган илк шахматчи сифатида тарихга кирди.

Олтинчи турда ҳамюртимиз ҳиндистонлик Прагнанада билан дурангга эришган бўлса, яна бир ҳиндистонлик Аржун Эригаисининг устидан ғалабага эришди. 8-турда оқ доналарда ўйин бошлаган Нодирбек АҚШлик рақиби Левон Аронян билан 9-турда германиялик Винтсент Кеймер билан дурранга имзо чекди. Шахматчимиз 10-турда ҳам дурангга эришди. Бу галги рақиб дунё рейтингида юқори поғоналардан бирини эгаллаб турган хитойлик Лирин Динг бўлди. 11-турда Нодирбек Абдусатторов энг яқин таъқибчиси мезбон давлат шахматчиси Аниш Гри билан ҳам дурангга эришиб пешқадамлигини сақлаб қолишга эришади. 12-турда ҳам дурранг натижа қайд этилди. Бу сафар америкалик Уэсли Со шахматчимизнинг рақиби бўлди.

Деярли бутун турнир давомида пешқадамликни қўлдан бой бермаган ёш гроссмейстеримиз охирги турда Ёрдан Ван Форестга имкониятни бой бериб қўйди. Бу эса унинг энг яқин тақибчиси Нидерландиялик Аниш Гирига қўл келиб 8,5 очко билан турнир ғолибига айланишига имкон берди. Нодирбек Абдусатторов эса «Tata Steel-2023» мусобақасини 2-ўрин билан якунлади. Аммо бу ғалабага тенг натижа бўлди. Мусобақа давомида «Challengers» таснифида қатнашган Жавоҳир Синдоров эса 3-ўринни эгаллади.

«УНИ ҲИС ҚИЛЯПМАН»

Норвегиялик шахмат юлдузи, жаҳон чемпиони Магнус Карлсен Вейк-ан-Зеедаги турнир якуни бўйича ўз фикрларини билдириб ўтди.

«Нодирбек учун афсусдаман. У бутун турнир давомида етакчи бўлиб келди. Сен илк бора бундай ҳолатда бўлганингда, бу оғир бўлади. Сенда ҳатто катта тажриба бўлса ҳам, бундай турнирда узоқ вақт давомида етакчи бўлиб туриш қийин. Уни ҳис қиляпман. Аниш Гирига келадиган бўлсак, у узоқ вақт ичида илк бора мени ортда қолдирди. Табриклайман. Бу нарса у учун яхши вақтда содир бўлди. Аниш бир неча маротаба бунга яқин келганди. Бу сафар омад у томонда бўлди», — деди Магнус Карлсен.

ЭНГ ЯХШИ

Нидерландиядаги халқаро турнир якунида Нодирбек Абдусатторов ва Жавоҳир Синдоров йилнинг энг яхши шахмат мамлакатига топшириладиган «Tour D‘or» - «Олтин минора» совринини қабул қилиб олишди. Ўзбекистон шахмат федерациясига Европанинг шахмат совринини франциялик машҳур гроссмейстер Башар Куатли топширди. Ўтган бир йил давомида ёш шахматчиларимиз улкан ютуқларни қўлга киритишди. Хусусан, Ўзбекистонлик 17 ёшли гроссмейстер Нодирбек Абдусатторов 2021 йилнинг декабрь ойида — рапид (тезкор шахмат) йўналишида жаҳон чемпионлигини қўлга киритди. 2022 йилда Ҳиндистоннинг Ченнай шаҳрида бўлиб ўтган 44-Бутунжаҳон шахмат Олимпиадасида Ўзбекистон бирорта ҳам мағлубиятга учрамаган ягона жамоа сифатида 188 давлат жамоалари иштирок этган Олимпиада чемпионига айланганди. Натижада илк марта ўзбекистонлик 4 шахматчи ФИДЕ рейтингида ТОП-100-таликдан жой олганди.

Жамшидбек АМИРОВ.

7 ХУШХАБАР

ЭҲТИРОМ ОЛИЙЖАНОБЛИКДИР

30 январь куни Ўзбекистоннинг биринчи Президенти Ислом Каримов таваллуд топган кун муносабати билан Президент Шавкат Мирзиёев Ислом Каримов ҳайкали пойига гулчамбар қўйди.

Олий Мажлис палаталари, Президент Администрацияси ва ҳукумат вакиллари, илм-фан ва маданият намояндалари, зиёлилар ҳам Биринчи Президент хотирасига ҳурмат кўрсатди.

Маросимда Қуръон оятлари ўқилиб, дуо қилинди. Биринчи Президентнинг мамлакат манфаати йўлидаги тарихий ишлари, олийжаноб хислатлари ёдга олинди.

Давлат раҳбари мажмуада Ислом Каримов музейини ташкил этиш ишларининг бориши билан танишди.

Шу куни Ислом Каримовнинг Самарқанд ва Қарши шаҳарларидаги ҳайкаллари пойига ҳам гуллар қўйилди.

ЭСКИ “ПРАВА”НИ ОНЛАЙН АЛМАШТИРИШ МУМКИН

Ўзбекистонда 30 январдан бошлаб эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини онлайн алмаштириш имконияти яратилади.

Адлия вазирлиги хабарига кўра, эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини уйдан туриб, my.gov.uz орқали янгисига алмаштириш мумкин бўлади.

Бунинг учун my.gov.uz орқали буюртма берилади.

Буюртмада:

• бўш қаторлар ўзингизга тегишли шахсий маълумотлар билан тўлдирилади;

• тегишли бандлар танланади;

• янги ҳайдовчилик гувоҳномаси етказиб бериладиган манзил кўрсатилади;

• мобиль телефон ёки компьютер орқали шахсий имзо қўйилади;

• сўнгги қадамда инвойс шаклланади ва БҲМнинг 70 фоизи (210 000 сўм) миқдорида ҳамда почта хизмати учун 25 000 сўм тўлов амалга оширилади.

Марказ ходими, келиб тушган буюртмани кўриб чиқиб, чоп этган янги намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини почта хизматига тақдим этади.

Почта хизмати томонидан икки иш кунида манзил бўйича етказилади ва сиздан эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини ва талонни олиб, янгисини тақдим этади. Почта хизмати эски намунадаги ҳайдовчилик гувоҳномасини ва талонини ДХМга топширади.

МИЛАН ВА ПАРИЖГА АВИАҚАТНОВЛАР ТИКЛАНАДИ

Ўзбекистон Airways баҳор мавсумидан бошлаб Италиянинг Милан ва Франциянинг Париж шаҳарларига авиақатновларни тикламоқда.

Авиакомпания матбуот хизматининг маълум қилишича, 28 мартдан бошлаб Тошкент–Милан–Тошкент ва 31 мартдан Тошкент–Париж–Тошкент йўналишида авиақатновларни амалга ошириш бошланади.

Парвозлар ҳафтада икки марта – сешанба ва жума кунлари амалга оширилади.

Тошкент–Милан йўналишида авиачипталар нархи 4 391 000 сўмдан, Тошкент–Милан–Тошкент йўналишида эса 6 084 752 сўмдан бошланади. Тошкент–Париж йўналишида авиачипталар 4 317 000 сўмдан, Тошкент–Париж –Тошкент йўналишида эса 6 337 975 сўмдан бошланади.

МЕТАН-ШОХОБЧАЛАР БОСҚИЧМА-БОСҚИЧ ОЧИЛА БОШЛАДИ

30 январдан бошлаб айрим автомобилларга газ тўлдириш компрессор станциялари фаолияти қайта тикланди. Бу ҳақда ЎзА хабар берди.

“Метан “заправка”лар ҳозирча маълум график асосида ишлаб туради, газ босими меъёрига келишига қараб (тахминан 2-3 кунда) Ўзбекистондаги барча шохобчалар одатдаги режимда фаолият юритишни бошлайди”, дейилади агентлик хабарида.

Эслатиб ўтамиз, жорий йилнинг 12 январь куни автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари фаолияти тўхтатилганди.

Оқибатда республика бўйлаб бензин қуйиш шохобчаларида турнақатор навбатлар кузатилди. Ҳатто кўплаб ҳайдовчилар автомобилларига ёқилғи қуйиш учун суткалаб навбат кутаётганидан шикоят қилган.

19 январь куни эса“Ўзтрансгаз” об-ҳаво ҳарорати кўтарилиб, қулай шароит пайдо бўлгач, республикадаги барча автомобилларга газ тўлдириш компрессор шохобчалари одатдаги иш тартибида ишлай бошлаши ҳақида хабар берган эди.

РЎЙХАТДАН ЎТМАСДАН ҚОЛИШ МУДДАТИ УЗАЙТИРИЛАДИ

Ўзбекистон ва Қозоғистон ҳукуматлари ўртасида ўртасидаги «Фуқароларнинг ўзаро келиб-кетиш шартлари тўғрисида»ги Битимга ўзгартириш киритилиб, Ўзбекистон фуқароларининг ушбу давлатга кириши, бўлиши ва чиқиб кетиши тартиби ўзгарди. Эндиликда, Ўзбекистон фуқаролари чегарани кесиб ўтган кундан бошлаб 30 календарь кун давомида Қозоғистонда рўйхатдан ўтмасдан бўлиши мумкин.

Аммо, умумий бўлиш муддати 180 календарь куни давомида 90 календарь кундан, яъни 6 ой давомида 3 марта кириб-чиқиши ва жами бўлиш муддати 3 ойдан кўп бўлмаслиги керак.Ушбу янги қоида Қозоғистонга 2023 йил 27 январдан кейин кирган шахсларга нисбатан қўлланилади.

Эслатиб ўтамиз, Қозоғистонга ишлаш мақсадида борувчи Ўзбекистон фуқаролари учун 1 ой давомида иш берувчи билан меҳнат шартномасини тузгач, уни Халққа хизмат кўрсатиш марказида рўйхатга киритиб, 3 ой муддат учун рухсатнома олиш ёки салоҳиятли иш берувчилар томонидан квота асосида ишга жалб қилиш тартиби мавжуд.

ЖОРИЙ ЙИЛДА 7 ТА ЭЛЕКТР СТАНЦИЯ ИШГА ТУШАДИ

Энергетика вазирлиги ахборот хизматининг маълумотига кўра, жорий йил якунига қадар юртимизда умумий қуввати 2910,6 МВт бўлган 7 та электр станция (1 та ИЭС, 1 та шамол, 3 та қуёш ва 2 та ГЭС) ишга туширилиши (ягона электр тармоғига уланиши) режалаштирилган. Хусусан:

– Сирдарё вилоятининг Ширин шаҳри ва Боёвут туманлари ҳудудида қуввати 1500 МВт бўлган замонавий иссиқлик электр станцияси;

– Навоий вилоятининг Томди туманида қуввати 500 МВт бўлган шамол электр станцияси;

– Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида қуввати 457 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси;

– Самарқанд вилоятининг Каттақўрғон туманида қуввати 220 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станцияси;

– Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида қуввати 220 МВт бўлган қуёш фотоэлектр станциялари ишга туширилиши режалаштирилган.

Аҳамиятлиси, ушбу электр станциялар хорижий компаниялар томонидан 100 фоиз тўғридан-тўғри инвестициялар ҳисобига амалга оширилмоқда. Самарқанд вилоятида умумий қуввати 13,6 МВт бўлган 2 та гидроэлектр станция ишга туширилади. Шунингдек, Тўпаланг ГЭС модернизация қилинади ва унинг қуввати амалдаги 30 МВтдан 175 (+145) МВтга оширилади.

Маълумот ўрнида, 2022 йилда умумий қуввати 1 474 МВт бўлган 7 та янги электр станция ишга туширилди.

МЎҒУЛИСТОН ЎЗБЕКИСТОНДА ЭЛЧИХОНАСИНИ ОЧАДИ

Мўғулистон Ўзбекистон мустақиллигини 1992 йилда тан олган бўлишига қарамай, шу пайтгача элчихона очмаган эди. Аслида Мўғулистон Ўзбекистон билан 1992 йил 25 январда дипломатик муносабатлар ўрнатган бўлишига қарамасдан, ҳали ҳам доимий дипломатик корпуси бўлмаган.

2018 йилдан бери Мўғулистон элчиси бир вақтнинг ўзида Остонада, Ўзбекистон элчиси эса Пекинда ишламоқда. Шунингдек, ҳозиргача олий даражадаги ташрифлар бўлмаган.

Мўғулистон 2023 йилда Ўзбекистонда элчихона очишни режалаштирилган ва Марказий Осиё давлатлари билан савдо айланмасини ошириш, давлатларига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етказиб беришдан манфаатдор. Шунингдек, 2023 йилда Мўғулистон Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон бўйлаб олтита жойда консуллик очишни режалаштирган.

Маълумот ўрнида яна шуни айтиш мумкинки, 2022 йил июнь ойида Мўғулистон Ўзбекистон фуқаролари учун 30 кунлик муддатга визасиз режим жорий қилган эди.

MUASSIS:

O‘zbekiston XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

O‘zbekiston ovozi

TAHRIR HAY’ATI:

Ulug`bek INOYATOV, Muslihiddin MUHIDDINOV, Ulug‘bek VAFOYEV, Hayotxon ORTIQBOYEVA, Maqsuda VORISOVA, Shuhrat ISLOMOV, Qalandar ABDURAHMONOV, Toshtemir XUDOYQULOV, Guliston ANNAQILICHEVA

Bosh muharrir: To‘lqin TO‘RAXONOV

MANZILIMIZ: 100135, Toshkent, Bunyodkor shoh ko‘chasi, 50 «A»-uy.

Телефонлар: (71) 276-10-91, (71) 276-20-67,

Реклама бўлими: (91) 190-19-49. E-mail: uzbovozi@mail.ru

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 4 bosma taboq.

Gazeta O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007-yil 11-yanvarda ro‘yxatga olingan.

Navbatchi: Ahmad QURBONOV
Sahifalovchi: Bekzod ABDUNAZAROV

Г — 236. 2250 nusxada bosildi.
Nashr ko`rsatkichi — 220.
t — Tijorat materiallari

O‘zA yakuni —
Topshirilgan vaqti —
1 2 3 4 5 6
Sotuvda kelishilgan narxda

Gazeta haftaning chorshanba kuni chiqadi. «O‘zbekiston ovozi» materiallarini ko‘chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.